

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
ИЖТИМОЙ  
ФАНЛАР**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ  
НАУКИ  
В УЗБЕКИСТАНЕ**

1993

---

8



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОНДА  
ИЖТИМОЙ  
ФАНЛАР

1993

---

8

ОБЩЕСТВЕННЫЕ  
НАУКИ  
В УЗБЕКИСТАНЕ

*Издается с мая 1957 г. по 12 номеров в год*

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ (*главный редактор*), акад. АН Узбекистана А. А. АСКАРОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана С. К. КАМАЛОВ, акад. АН Узбекистана Ш. З. УРАЗАЕВ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, акад. АН Узбекистана Э. Ю. ЮСУПОВ, чл.-кор. АН Узбекистана А. А. АГЗАМ-ХОДЖАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана Б. А. АХМЕДОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Ж. Т. ТУЛЕНОВ (*зам. главного редактора*), чл.-кор. АН Узбекистана А. Х. ХИКМАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана М. Ш. ШАРИФХОДЖАЕВ, доктор ист. наук Б. В. ЛУНИН, доктор ист. наук Р. Я. РАДЖАПОВА, доктор ист. наук Х. Р. РАХМАНКУЛОВ, доктор ист. наук Г. Р. РАШИДОВ, доктор ист. наук А. У. УРУНБАЕВ, доктор экон. наук К. А. ХАСАНДЖАНОВ, доктор филос. наук С. Ш. ШЕРМУХАМЕДОВ, доктор ист. наук А. М. ЮЛДАШЕВ, Б. И. КНОПОВ (*ответственный секретарь*)

Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.  
Телефоны: 32-73-29, 4-83.

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 1993 г.

Редакторы М. Шамсутдинова, И. Ильясова  
Технический редактор А. Шепельков

Регистр. № 114. Сдано в набор 1.10.93. Подписано к печати 14.10.93. Формат 70×108<sup>1/16</sup>. Бумага типографская. Гарнитура литературная. Печать высокая. Усл. печ. л. 7,0. Уч.-изд. л. 6,8; Усл. кр. отт. 7,21. Тираж 561. Цена 10 р.

Издательство «Фан» АН РУз 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.  
Типография Издательства «Фан» АН РУз 700170, Ташкент, просп. акад. Х. Абдулласва, 79.

*Посвящается 50-летию Академии наук  
Республики Узбекистан*

И. ИСКАНДАРОВ

**УЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙИ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРИНИНГ  
ТАРАҚҚИЁТ ИҶУЛИ**

Ҳар қандай ижтимоий тараққиёт босқичида унга монанд тафаккурни бунёд этилишида ва уни инсон онгига сингдириш ва бу туфайли унинг куч-қудратини, ақл-идрокини буюк силжишларга сафарбар этишда илм-фаннинг, айниқса ижтимоий-гуманитар фанларининг ҳиссаси беқиёсдир. Шунинг учун ҳам фанга орқа қилган ва унинг илмий салоҳиятига асосланган давлатларнинг истиқболни доимо порлоқ бўлган. Бу жиҳатдан республикаимиз ижтимоий-гуманитар фанларининг азалдан ва ҳозиргача ривожланиш диалектикасига ва унга асос бўлган омилларга бир назар ташласак, бу ҳудудда унинг равнақи учун қулай муҳит, объектив шароит ва қатъий зарурият эканлигига гувоҳ бўламиз. Маълумки, Марказий Осиё, айниқса республикаимиз ҳудудида ижтимоий тафаккур фанининг ривожланиши учун муҳим омиллар мавжуд бўлган:

— энг аввал бу заминда яшаб келган ҳар хил қавм, қабила ва миллатлар учун ҳаётий шароит яратиш ва ҳуқуқий мақомларнинг зарурлиги;

— жўғрофий жиҳатдан Ғарб билан Шарқни бирлаштирувчи ўзанда жойлашганлиги, унинг ҳар тарафлама ҳимоя чизигига айланганлигининг муҳимлиги;

— хорижий мамлакатлар учун ҳар тарафлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва уни мустақамлаш;

— ўзига хос иқлим шароитига асосланиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг муҳимлиги ва юқори шаклдаги ижтимоий муносабатларнинг таркиб топиши;

— бу ерда истиқомат қилган халқларнинг диний эътиқодларининг кучлилиги ва маънавияти, чанқоқлиги, мусулмон динининг етакчилик роли;

— халқнинг илм-фанга муҳаббатининг беқиёслиги.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланишига шу нуқтан назардан ёндашилса, унинг ижтимоий тараққиёт даражасига ниҳоятда улуғ улуш қўшганлигини ва ўчмас из қолдирганлигига гувоҳ бўламиз.

Энг аввал муҳим моддий ва маънавий бойликка эга бўлган заминимиз ажнабий ғанимларнинг аввалдан то ҳанузгача эътиборини қаратиб келганлиги ва бир неча бор талончилик маконига айланганлигига гувоҳ бўлганмиз (Эрон Юнон, Хитой, Араб, Мўғул, Чор Россияси истилочилари ва бошқалар). Лекин маҳаллий аҳоли бундай босқинчилик сиёсати билан ҳеч бир даврда чиқишолмади ва ўз мустақиллиги учун тинимсиз кураш олиб борди. Спитамен, Муқанна, Сарбадорлар қўзғолони ва бошқа ўз навбатида вақти-вақти билан ҳудудимиздан чиққан улуғ саркардалар раҳбарлигида бошқа мамлакатларга қарши ҳарбий юришлар уюштирилган ва бир қанча минтақаларни бирлаштирувчи буюк давлатлар барпо этилган (Кушон ва Хоразм давлати, Қанг, Қорахонийлар, Сугдийлар, Сомонийлар, Темурий-

лар, Шайбонийлар давлатлари, Бобурийлар империяси ва бошқа ўзбек хонликлари).

Бундай давлатларда йирик ишшоотлар, қадимий йирик шаҳарлар бунёд этилган. Худудимизни бундай ижтимоий-сиёсий майдонга айланганлигига қарамай, бу ерда моддий ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият замон талаблари асосида ривожланиб, жаҳон миқёсида муносиб ўрни эгаллаганлиги тарихдан маълум. Утмиш даврдаги илм-фан намояндалари мукаммал, атрофлича илм тафаккурига эга бўлганлар. Табиий ва аниқ фан соҳибларининг изланишларида ҳам ижтимоий ҳаётга оид қирралар чуқур таҳлил этилган, умуман уларнинг изланишларининг ўзи ҳаёт талабларидан келиб чиққан. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ал жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» (қисқартирилган «Жавоҳирот китоби»)ни олайлик. Бу асосан табиий фанларга оид асарда ижтимоий муносабатлар алоҳида таҳлил этилиб тенги йўқ хулосалар қилинган. Абу Райҳон Берунийнинг таъкидлашича «...талабларнинг ошиши ва уларнинг ҳар хил вақтда пайдо бўлиши, шунингдек, баъзи бировнинг бошқада бўлган нарсга муҳтожлиги — булар ҳаммаси одамларни ўша нарсаларнинг умумий қийматини топишга (И. И.), айрим ҳолларда унинг ўрнига ўтадиган бадални топишга олиб келган»<sup>1</sup>. Аслини олганда бу ҳозирги «сиёсий иқтисод» назариясидан ўрин эгаллаган А. Смит, К. Маркслардан қарийб минг йил аввал аниқланган қиймат қонунининг ифодасидир.

Демоқчиманки, муҳим ижтимоий муносабатлар нафақат бу соҳанинг соҳиблари томонидан, аксарият, буюк алломалар ва дин пешволари тарафидан таҳлил этилган. Булар қаторига маданиятимиз тарихида маълум бўлган ва маънавият оламида теран из қолдирган ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Баҳоуддин Нақшбанд, Улуғбек, Али Қушчи, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Нодирабегим ҳамда ҳозиргача мероси чуқур таҳлил қилинмаган Имом Бухорий, ат-Термизий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Хўжа Аҳрор ва бошқалар кирди.

Чор Россияси истилосидан кейин халқимиз камолотини мадҳ этган маданият толиби илмлари Ҳазиний, Ҳамза, Фурқат, Муқимий, Аҳмад Дониш, Юсуф Сарёмий фан ва маданият ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Шунинг билан бир қаторда ижтимоий тараққиёт хазинасига илғор рус зиёлилари В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский, В. Л. Вяткин, М. Е. Массон, М. П. Грязнов, Л. В. Ошанин, Б. Д. Греков, В. В. Струве, М. В. Нечкина, С. В. Бахрушин, А. Ю. Якубовский ва бошқалар маълум даражада ҳисса қўшдилар.

Октябрдан кейин ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий муносабатларни ўрганишда жонланиш юз берди. Унинг шарпаси туфайли ҳар хил тоифадаги зиёлилар Туркистон мустақиллигини таъминловчи теран фикрлар билан Абдулла Қодирий, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Боту ва бошқалар бирин-кетин майдонга чиқа бошладилар. Буларга дастлабки даврларда ижод қилишлари учун имкон ҳам яратдилар. Афсуски, бундай кўтаринкилик руҳияти узоққа чўзилмади. Урта. Оснэ миллий давлатлари таркиб топиши биланоқ ижтимоий ҳаёт инқилобдан аввалги андозасига қайтарилди бошлади ва асримизнинг 30-йилларидан бошлаб СССРда Россия зўравонлик, мустамлакачилик режими тиклана бошлади ва халқимизнинг Октябрь инқилобидан кутган умидлари пучга чиқа бошлади. Бундай қабиҳ тартибга қарши ўлароқ мамлакатимизнинг илғор ва мард ўғлонлари ўлимдан ҳам қўрқмай

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Тарвихалар. Жавоҳирот китобидан//Арабчадан Абдусодиқ Ирисов таржимаси. Тошкент, 1991, 10-бет.

маърифий-маданий ҳаёт таркиб топишида шижоат кўрсатдилар ва ўлмас мерос қолдирдилар. Уларнинг тақдири Сталин қатағонлиги туфайли қандай фожиа билан тугаганлиги кенг оммага маълум.

Бунда бир муҳим мунозарарага арзийдиган ҳолисанлило жараёни ҳисобга олиш тўғрисида гап юритиш жонз. Ҳозирги даврда Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда 130 йиллик рус империяси ҳукмронлиги тўғрисида ижтимоий фикр таркиб топмоқда. Менинг назаримда, сиёсатда бу балки тўғри бўлар, лекин ижтимоий ривожланиш жиҳатдан рус империяси мустамлакачилик даври билан Октябрьдан кейинги даврни бир ўлчов кўзи билан қараш ҳақиқатга тўғри келмас. Бу иккала давр ўзининг расмий, сиёсий ва бошқариш услуби билан фарқланади. Чоризм даврида бу ўлкалар тўла мустамлакачилик ва «Қолоқ ўлка» мақомини олган бўлса, СССР даврида республикалар ва халқлар тенглиги сиёсий мафзуранинг асосини ташкил этган эди. Афсуски, амалда республикаларга айниқса, Марказий Осиё республикаларига нисбатан иқтисодийetni бошқаришда мустамлакачилик услублари сақланиб келинди.

Аммо, маориф, олий таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, иқтисодийёт собиқ иттифоқдаги бошқа республикаларга нисбатан орқароқда қолган бўлса ҳам, уларда эътиборга лойиқ силжишлар юз берди. Бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди. Ҳаёт ҳам оқиб турган дарёдек бир-бирига ўхшамаган икки қирғоққа эга. Шунга биноан ҳар бир давр ўз номи билан аталиши жонз.

Фикримизча, Октябрьдан сўнг 30-йилларгача бўлган даврни алоҳида таҳлил этиш зарурки, мазкур даврда республикада маърифий-маданий замин яратилди. Ундан кейинги даврларда вақти-вақти билан ҳар хил мақомда уюштирилган сиёсий қизил террорлар ва таъқиблар туфайли маърифатпарвар зиёлиларимизнинг дурдоналаридан жудо бўлди. Бу жараён жамият ва илм-фан ривожига кескин таъсир этди-ю, лекин уни тўхтата олмади. Шундай вайронликлар даврида истеъдодли олимлар, шоирлар, адиблар етишиб чиқди ва маърифат байроғини тоталитар тузумнинг қийинчиликларига бардош бериб мустақиллик майдонига етказиб келишга муяссар бўлдилар.

Умуман олганда, XX аср хилма-хил фожияларга «бой» бўлганлигидан аввалгиларидан фарқланиб туради. Сиёсий фожиялар, экологик; иқтисодий ва ҳарбий фожиялар билан туташиб жамият ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатди.

Айниқса, биз яшаб турган заминимизда шундай воқеалар ўта сезиларли бўлиб турди.

Аср бошларидан юз берган сиёсий тўқнашувлар натижасида кўп-кўп қурбонлар эвазига Россия империяси ва ҳонликлар агдарилиб, уларнинг харобалари манбаида Совет давлати пайдо бўлди. У эса янги социалистик жамият барпо этиш мақсадида устма-уст синовлар ўтказиб, «эеки» ишлаб чиқариш муносабатларини парчалаш билан овера бўлди. Яъни, бутун мамлакатда коллективлаштириш, индустриалаш ва бошқа сиёсий андозалар амалга оширилди. Бунинг натижасида очлик, қирғинлик, парокандалик юз берди. Бу янги тузум халқ нафратини уйғотди.

Сўнгра 1941—1945 йиллардаги урушда кўп-кўп қурбонлар берилди. Бу уруш даврида Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон худуди Совет ҳукуматидан нафратланганларнинг синов майдонига айлантирилди. Кавказ халқлари, олмонлар, корейслар, қрим татарлари, месхети-турклар, греклар давлат «душманлари» ва ишончсиз миллатлар сифатида сургун қилинди. Бундай шароит маҳаллий халқ маънавияти қиёфасига жиддий таъсир кўрсатди, кейинчалик эса қонли тўқнашувларга сабаб бўлди. Урушдан кейинги ва яқин давргача ўтказиб келинган ҳар хил иқтисодий ислоҳотлар халқимизнинг тинкаю

мадорини қуритди. Мустақиллик арафасида биз мана шундай маънавий меросга эга эдик.

Бинобарин, минг йиллик жараёнларни ҳолисанилло таҳлил этишда Ўзбекистон Фанлар академияси, хусусан, ижтимоий-гуманитар институтлари таркиб тоғандан кейин чуқур изланишлар олиб борилиб муҳим натижаларга эришилди. Бунга академиянинг марҳум аъзолари академиклар: И. Мўминов, О. Тошмуҳамедов (Ойбек), Г. Н. Черданцев, Ғ. Ғулом, Я. Ғуломов, В. Абдуллаев, Ю. Ражабий, В. Йўлдошев, Н. Йўлдошев, М. Нурмуҳамедов, Қ. И. Лавкин, Ҳ. Сулаймонова, мухбир аъзолар: О. А. Аминов, О. Жамолов, О. Эшонов, Р. Набиев, Уйғун (Р. Отақўзиев), Ю. Султонов, Ҳамид Олимжон, В. А. Шишкин ҳамда йирик олимларимиздан Ҳ. Сулаймонов ва бошқалар катта ҳисса қўшишган.

Ижтимоий-гуманитар фанларининг тараққиётида академиянинг ҳақиқий ва мухбир аъзолари ҳамда кўп сонли истеъдодли олимларимиз астойдил хизмат қилмоқдалар.

Республикада фан тараққиётига файласуф олимлар салмоқли ҳисса қўшишди. Улар олиб борган ишларнинг асосий йўналишларидан бири Шарқ, хусусан, Урта Осиё халқларининг фалсафий ва ижтимоий тафаккур тарихини, шу жумладан, машҳур мутафаккир ва олимларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганишдан иборатдир. Форобий, Берунийнинг дунёқарашлари тавсифи ва ўзига хос хусусиятларига бағишланган муфассал асарлар нашр этилган.

Фан-техника тараққиёти имкониятларини излашда илмий билишнинг ижодий жараёнлари билан ўзаро алоқалар диалектикаси ўрганилмоқда. Жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг янги ҳодиса ва йўналишлари умумлаштирилмоқда, шунингдек, миллий мустақилликка, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва миллий ривожланишига, фан-техника тараққиётининг фалсафий жиҳатларига катта эътибор берилмоқда.

Фанлар академияси олимлари давлат ва ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш соҳасида катта тажриба тўпладилар. Урта Осиё халқлари миллий давлат тузумининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни кўриб чиқилмоқда, республика ҳокимияти органлари ва улар билан боғлиқ жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий негизи ҳамда фаолияти ёритилмоқда. Фуқаро, оила, меҳнат, ер, қишлоқ хўжалиги ва маъмурий ҳуқуқ, халқаро, хусусий, жинсий ҳуқуқ, хўжалик ҳақидаги қонунлар, суд тузилиши ва судлов ишларини юргизишнинг турли жиҳатлари мунтазам ўрганилмоқда. Қонунларни ривожлантиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда, уни такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларни бошқаришда ҳуқуқ самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар киритилмоқда. Республиканинг фуқаролик кодекси, Жинсий кодекси, Ахлоқ тузатиш меҳнат кодекси, Никоҳ-оила кодекси, Ер кодекси, Меҳнат ҳақидаги қонунлар кодексига — концепциялар ишлаб чиқишда республиканинг амалдаги қонунларини кодекслаш ва Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон Конституцияларининг лойиҳаларини тузиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлар тизмида иқтисодиёт фанининг аҳамияти катта бўлиб, муттасил ортиб бормоқда. Фанлар академиясининг иқтисодчи олимлари ишлаб чиқариш кучларини илдам ривожлантириш муаммоларини ишлаб чиқишга, ягона халқ хўжалиги комплекси мавжуд шартларида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ўзбекистон кўп тармоқли халқ хўжалигининг ривожланиш тарихини ўрганиш ва муттасил таҳлил этиш, хусусан республика иқтисодий потенциали тараққиётининг, унинг самарадорлигини оширишнинг муаммо ва масалалари кенг мажмуасини ишлаб чиқиш, халқ хўжали-

ги ривожланишининг узоқ муддатга мўлжалланган суръат ва мутаносибликларини олдиндан айтиш (прогноз) хўжалик механизмини, унинг тузилиши ҳамда республикада фан-техника тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, аҳоли, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг регионал хусусиятлари муаммолари Фанлар академияси иқтисодчи олимларининг диққат марказида бўлиб келди. Назарий тадқиқотларда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва миллий даромаддан фойдаланиш назарияси, республикадаги бой ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва уларни хўжалик жиҳатдан баҳолаш нуқтаи назаридан иқтисодиётнинг оптимал структураси масалаларига катта ўрин берилган.

Республиканинг хўжалик жиҳатдан энг истиқболли ҳудудлари — Фарғона водийси, Ангрён-Олмалиқ кон саноати тумани, Амударё этаклари, Бухоро-Навоий ва Қашқадарё ҳудудий-ишлаб чиқариш комплексининг табиий ва иқтисодий имкониятлари устивор илмий тадқиқ этилди. Республика Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш, халқ хўжалигининг табиий бойликлар билан таъминланганлигини иқтисодий баҳолаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Орол муаммолари билан боғлиқ мажмуавий-муаммолар бўйича мувофиқлаштирувчи илмий марказ вазифасини ҳам бажаради.

Археологик тадқиқот натижалари бўйича Ўзбекистон узоқ ўтмишининг тарихига оид илгари тўпланган билимлар захираси беқиёс бойиди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида қилинган кашфиётлар Ўзбекистон ҳудудида илк бор инсон яшай бошлаши қўйи палеолитга ўтиш даврига бориб тақалади, деган қатъий фикр айтиш имконини берадики, Фарғона водийсида Сел Унғур ғори манзилгоҳининг очилиши (илк ашел даври — миллион йил муқаддам) шунга далилдир. Ибтидодий жамият маданияти ривожланишининг кейинги босқичларини ифода этувчи, ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтишнинг маҳаллий жараёнини, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида унинг умумий жиҳат ва хусусиятларини тобора тўлиқроқ кузатиш, Ўрта Осиёнинг ва бутун Ўрта Шарқнинг бошқа вилоятларига нисбатан ўхшаш ва тафовутларни белгилаш имконини берувчи тош асрнинг (палеолит ва неолит) бир қатор бошқа манзилгоҳлари аниқланиб, текшириб чиқилди.

Бронза даврига оид очилган Сополлтепа, Жарқўтон ва бошқалар сингари манзилгоҳлар ўзига хос ва автохтон деҳқончилик протошаҳар ва илк шаҳар цивилизациясининг йирик манбалари оламга машҳур бўлди. Ўрта Осиёнинг Аҳоманийлар Эрони томонидан босиб олинishi жараёнида шаҳар маданияти ташқаридан келтирилганлиги ҳақида илгари мавжуд бўлиб келган тушунчалар рад этилди. Ўзбекистон ҳудудида қадимги суғориш тизими ҳақида билимлар анча бойиди. Буларнинг бари Ўзбекистон заминида ибтидодий жамият тарихини илмий даврлаштиришни қайта тиклаш ва ибтидодий жамоаларни палеоиктисодий ҳамда палеодемографик тиклаш имконини берди. Африсийё (Самарқанд) ва Болалик тепадаги (Сурхондарё) муҳташам деворий расмлар, Қува сопол ҳайкалтарошлиги ва антик давр манзилгоҳлари сингари бадиий маданиятнинг ноёб ёдгорликлари жаҳон маданияти хазинасидан жой олди.

Ўзбекистон археологик ёдгорликлари мажмуасини тузишга ва «Ўзбекистон археологияси» йирик асарини тайёрлашда ўзбек халқи ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг этногенези ва этник тарихи муаммоларини ўрганишга катта аҳамият берилди. Илк бор икки жилд-

лик йирик мажмуавий «Ўзбекистон халқлари тарихи» асари (1947—1950 йиллар) яратилди. Кейин икки жилдлик (уч китобдан иборат) «Ўзбекистон ССР тарихи» (1955—1957 йиллар) ва ниҳоят, тўрт жилдлик «Ўзбекистон ССР тарихи» (қадимги даврдан бизнинг кунларгача) яратилиб, 1967—1968 йилларда ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

Ҳозирги вақтда олти жилдлик «Ўзбекистон Республикаси тарихи» ни нашрга тайёрлаш бўйича катта иш олиб борилмоқда. Рус тилида икки жилдлик «Ўзбекистонда граждандар уруши тарихи» ва уч жилдлик «Улуг Ватан уруши йилларида Ўзбекистон ССР тарихи» (рус тилида) нашр қилинди. Республика архившунослари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда миллий-озодлик ва инқилобий ҳаракат тарихи» (шу жумладан 1898 йилдаги Андижон қўзғолони, 1916 йилдаги халқ қўзғолони, 1905—1907 йиллардаги инқилобий воқеалар), «Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятининг ривожланиш тарихи» (хотин-қизлар масаласи) бўйича бир қанча ҳужжатли материаллар нашр қилинди. Бир қатор илмий-шарҳли нашрлар факсимилеси ва қуйи ўрта аср ҳамда янги давр ҳужжатли матнларининг таржималари (вақф ёрлиқлари ва ерга феодал эгаллигининг бошқа ҳужжатлари) Бухоро, Самарқанд ва бошқа ерларда аграр муносабатлар ҳолатини ошкор этади. Тарихга доир нашрлар кўп ва хилма-хилдир. Бунда, жумладан Хоразм ва Бухоро республикаларининг 1920—1924 йиллардаги тарихига доир китоблар, уч жилдлик «Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи» (рус тилида), икки жилдлик «Ўзбек совет зиёлилари тарихи» (рус тилида), республикада қишлоқ хўжалигини кооперациялашга бағишланган ишларни айтиб ўтиш жоиздир.

Сўнги ўн йилликларда тарихшунослик ва манбашунослик соҳасидаги ишлар анча жонланди.

Республика ўрта мактабларининг ўқувчилари учун Ўзбекистон тарихи бўйича бир қанча ўқув қўлланмалари тайёрланди. Бу борадаги ишлар, хусусан республика тарихи бўйича юқори синф ўқувчилари учун дарсликлар яратиш давом этмоқда.

Фанлар академияси тарихчи олимларининг Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё ўтмишини ёритишда «оқ доғ»ларни йўқотишга қаратилган тадқиқотларга қизиқиши кучайди.

Фанлар академияси тизимида ижтимоий-гуманитар билимлар соҳасида этнографик тадқиқотлар мустаҳкам ўрин эгаллади. Ўзбек халқи этник таркибининг вужудга келиши ва шаклланиши жараёнларига бағишланган кўплай йирик асарлар нашр этилди.

Ўзбек халқининг, шунингдек республикада яшаётган бошқа халқларнинг турмушини, ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини, урф-одатларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Республикалараро йирик мажмуа асар — «Ўрта Осиё ва ҚСШРнинг тарихий-этнографик атласи»ни тайёрлашда республика этнографлари иштирокида катта ишлар амалга оширилди.

Фанлар академиясининг тилшунослик соҳасидаги ишлари кўлами ҳам кенг: ўзбек тилининг ўтмишдаги ва ҳозирги фонетикаси, лексикологияси ва грамматикаси муаммоларини тадқиқ этиш. «Ҳозирги замон ўзбек тили», «Ҳозирги замон ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили лексикологияси» ва бошқа бир қанча йирик асарлар яратилди. Ўзбек тилининг шева ва лаҳжалари лингвистик-географик ва бошқа жиҳатлардан мунтазам ўрганиляптики, бу ҳол шевашунослик атласини яратиш бўйича муваффақиятли иш олиб бориш имконини берди.

Ўзбек тили атамаларини ўрганиш тилшунослар олиб бораётган тадқиқот ишларининг махсус тармоғи ҳисобланади. Тилшунослар ўзбек тилидан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, уни мунтазам такомиллаштириш муаммолари ва масалаларига катта эътибор беришмоқда. Фанлар академияси тилшуносларининг бир жилдлик ва

кўп жилдли луғатлар тайёрлаш борасида қўлга киритган муваффақиятлари ҳаммага маълумдир. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, ўзбекчарусча ва русча-ўзбекча луғат, фразеологик, синонимлар луғатлари ва ҳоказолар нашр этилган. Ўзбекистон топонимлари изоҳли луғатини ва ўзбек тилининг катта орфографик луғатини тузиш ишлари ниҳоясига етди. Кўп жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни ҳамда «Ўзбекча-қорақалпоқча луғат»ни тузиш ишлари давом этмоқда, Алишер Навоий асарлари тилининг лексикаси ва сўз ясалishi тадқиқ этилмоқда.

Фанлар академиясида адабиётшунослик соҳасидаги ишлар ривож топмоқда. Ўзбек адабиётининг кўп асрлик ривожланиши мобайнидаги тарихи ва назарий муаммолари, турли жанрларининг хусусиятлари бўйича жамлама асарлар яратилди. Урта асрлардан (Навоий, Лутфий, Бобур, Машраб ва бошқалар), янги даврдан (Муқимий, Фуркат) то энг янги давргача (Ҳамза, Айний, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Гулом, Уйғун ва бошқалар) бўлган ўтмиш ва ҳозирги давр адабиёти йирик арбобларининг ижоди ҳақида монографиялар тайёрлаб нашр этилган. Алишер Навоий, Ойбек, Ҳамза, Ҳамид Олимжон асарларининг кўп жилдлик тўпламлари нашр этилган ва чоп этилмоқда. «Алишер Навоий қомуси» тайёрланди. Ўзбек классик адабиётининг тўрт жилдлик хрестоматияси босмадан чиқди. Кўп жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи», икки жилдлик «Адабий танқид тарихи», уч жилдлик «Таржима муаммолари», икки жилдлик «Ўзбекистонда рус адабиёти тарихи очерклари» нашр этилди. Сталин қатағони даврида ноҳақ жабрланган Ўзбекистон ёзувчиларининг ижодий мероси тикланмоқда.

Ўзбек фольклоршунослари ҳам катта ютуқларга эришдилар (қаҳрамонлик эпоси асарларини, халқ эртақларини, ўзбек халқининг меҳнат ва урф-одат поэзияси намуналарини, мақол ҳамда маталлар ва ҳоказоларни ўрганиш, нашр этиш ва оммалаштириш). Таниқли халқ бахшиларининг дoston тўпламлари тузилмоқда «Ўзбек халқ ижодиёти тадқиқотлари» туркумидан тўпламлар нашр этилмоқда.

Ўзбекистонда рус ва бошқа халқлар адабиётини ўрганиш ҳам адабиётшуносларнинг диққат марказидадир. Маҳмуд Кошғарийнинг машҳур «Девони луғотит турк» асарининг ўзбек тилидаги илк таржимаси тўрт жилда нашр этилди.

Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти ўтмиш ва ҳозирги давр ўзбек шоир ва ёзувчиларининг қўлёзма адабий меросларини, нашр этилган танқидий матн ва ҳужжатли материалларини ўрганиш, суғд, хоразмий, қадимги уйғур, қадимги туркий, эски ўзбек, форс ва араб тилларидаги ёзма ёдгорликларни тадқиқ этиш ва нашр қилдириш борасида иш олиб борилмоқда. Ўзбек ёзувчилари бой маънавий меросининг энг яхши намуналарини ўрганиш давом этмоқда.

Ўзбек халқи моддий ва маънавий маданияти ёдгорликларининг йирик маскани — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг фаолияти ҳам диққатга сазовор.

Музейда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан буюк ўзбек шоири ва мутафаккири ҳамда унинг замондошларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи катта кўرғазма ташкил қилинди.

Фанлар академияси шарқшунос олимларининг кўплаб асарлари халқаро миқёсда машҳурдир. Олимлар жаҳонда энг бой мажмуалардан бири ҳисобланган шарқ қўлёзмалари мажмуасини яратдилар. Шарқшунослар олиб бораётган ишлар сирасида араб, форс, тожик, ўзбек ва бошқа тиллардаги шарқ қўлёзмалари, адабий-бадний асарлар матилари фонднинг илмий каталогини тузиш, Ўзбекистон Фанлар

академияси шарқ қўлёзмалари мажмуаларини нашр этиш муҳим ўрин эгаллайди. Ана шу йirik асарининг ўндан зиёд жилди босиб чиқарилган. Тилга олинган қўлёзмалар мажмуасидан безакли шарқ миниатюралар каталоги чоп этилмоқда. Урта аср Шарқи ёзма ёдгорликларининг илмий шарҳланган (оригинал ва таржимада) матилари тайёрланиб, нашр этилмоқда.

Абу Райҳон Беруний кўп жилдди сайланма асарлари ўзбек ва рус тилларида чоп этилганини, шунингдек, Абу Али ибн Сино қаламига мансуб «Тиб қонуллари» асари тўлиқ олти жилддигининг жаҳонда илк бор оммавий нусхада арабчадан ўзбек ва рус тилига таржима қилиб чиқарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қозизода Румий «Шарҳлари»нинг ва оламга машҳур Улуғбек «Зиж»нинг рус тилига илмий шарҳланган таржимаси амалга оширилди. Урта Осиё тарихининг 461/1359—1360 йилдан 974/1540—1541 йилларгача бўлган тарихини аке эттирувчи Мирзо Муҳаммад қаламига мансуб «Тарихи Рашидий» асари босмага тайёрланди. Урта асрларнинг Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа машҳур олим ва мутафаккирларининг илмий биографиялари нашр этилди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига (1994йил) унинг «Зижи жадиди Қўрагоний» асари нашрга тайёрланмоқда.

Фанлар академияси тизмида ижтимоий-гуманитар фанлар ходимларининг тадқиқотлари соҳасидаги шак-шубҳасиз муваффақиятлари хусусида сўз борар экан, айни вақтда яқин-яқингача уларнинг ривожланишига ижтимоий фанларни мамлакатда ҳукмрон бўлган партия гоёиси ва сиёсатининг тарғиботчисига айлантиришга интилишининг, сиёсатнинг иқтисодиёт устидан ҳукмронлиги нечоғли салбий таъсир кўрсатганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир.

Хуллас, йиллар мобайнида олиб борилган илмий тадқиқот ишларига умумий яқин қилинса, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси йirik фундаментал натижаларга эришганлигига гувоҳ бўлаемиз.

**Биринчидан**, бу ҳудудда инсоният пайдо бўлганлигининг ниҳоятда қадимийлиги аниқланди. Яқин давргача бу жараён 500 минг йил деб тахмин қилинган бўлса, эндиликда бу 1 млн йилга тенглиги ҳар тарафлама асосланди ва бошқа қитъалардагига баробардир. Бинобарин, бу ҳудудимизни ва халқларимизни жаҳон цивилизациясига кўрсатган таъсирга объектив кўз билан қараш имкониятини туғдиради.

**Иккинчидан**, тил ва имломизнинг қадимийлиги илмий дадиллар асосида исбот қилинди.

Маълумки, ҳозиргача қадимдан туркий ва бошқа халқларнинг ўз тили, имлоси йўқлигига ишонтиришга уриниб келинган эди. Шу туфайли уларнинг инсон камолотига ва ривожланиш жараёнига қўшган ҳиссаси камситиб келинган. Лекин истеъодли олимларимиз бу ерда турк, сугдий, эски Хоразм, уйғур, парфияликлар тили ва имлоси араблар истилосигача тараққий этган бўлиб, 2,5 минг йиллик ўз тарихига эга эканлиги ва унинг жуғрофияси Маньжуриядан то Дунайгача тарқалганлигини аниқладилар.

**Учинчидан**, бу ердаги халқларининг тарихий ва маданий меросининг, кадриятларининг жуда қадимийлиги ва маънавият оламида тутган бекиёс ўрни аниқланди.

**Тўртинчидан**, жамиятда, яъни собиқ СССР таркибидаги ижтимоий-сиёсий ва ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида вулқон сифат содир бўлажак зиддиятларнинг муқаррарлигини фаҳмлаб ва таҳлил этиб, унга барҳам бериш бўйича қатор аниқ таклифлар тайёрланганди.

**Бешинчидан**, республикамиз иқтисодий ва илмий-техникавий по-

тенциалидан мукамал фойдаланиш бўйича қатор истиқбол дастурлари яратилди.

**Олтинчидан**, республикамиз мустақиллигини таъминловчи янги қонулар тизимини яратишда фаоллик кўрсатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, умуман ўтган 74 йил ичида ижтимоий-гуманитар фанлар жуда мураккаб жараёнларни ва зиддиятли даврларни бошидан кечирди. Мазкур тузумда унга энг аввал истеъмолчилик талаби асосида баҳо берилса, сўнгра жамиятда юз берган объектив ва субъектив зиддиятларнинг айбдори сифатида камситиб келинди. Бу эса фаннинг йирик намоёндаларини вақти-вақти билан таъқиб остига олишга замин яратди. Амалиётда фан «қолдиқ» принципи асосида маблағ билан таъминланди. Бундай муносабат ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланишига монелик қилди.

Фанимиз ривожига тўсиқ бўлган жуда катта имлат бу собиқ СССР тракибда бўлган республикалар ўзларининг маҳаллий халқларининг «қадимий»лигини асослашда юз берган хатоликдир. Қадимдан маълумки, бу Марказий Осиёда яшовчи асосан туркий халқлар бир буюк ғоя асосида тенглик, биродарлик — қон-қардошлик ғояси асосида бирлашиб, жаҳон цивилизациясига муҳим ҳисса қўшганлар, қонунчиликка асосланган буюк давлатлар барпо этганлар. Бинобарин, бундай муҳитда йирик олимлар, шоирлар, адиблар, алломалар ижод этишиб, барча учун баб-баравар беқисс мерос қолдиришган. Аммо ўтмишда бир яхлит ҳудудда яшаб фаоллик кўрсатган, бундай зотларнинг яшаб ўтган жойлари республикаларга бўлиниб кетиши туфайли айрим ҳиссиётга берилиб кетган тоифалар ўзларининг «қадимий»лигини намоён этиш мақсадида тарихларини ўша алломалардан бошлашга уриниб кўрмоқдалар. Бундай ҳаракат жамоатчилик ўртасида ҳар хил кераксиз шов-шувларга сабаб бўлмоқда ва муаммоларни биргаликда таҳлил этишга ҳалақит бермоқда. Мана шундай оғир бир шароитда кўплаб ижтимоий-гуманитар фан жамоаларимиз ҳам ўз изланишларига танқидий қараб илмий ишларни янги талаб асосида ташкил этишлари лозим.

1. Айниқса, бозор ижтимоий муносабатлари туфайли таркиб топадиган онг ва тафаккур муаммоларини таҳлил этиш умуминсоний қадриятлар талаб даражасида ташкил этилмоғи лозим. Бунга халқимиз онгидан сиқиб чиқарилган инсоний таълимотлар — суфизм ва бошқа таълимотларнинг ўла-тўқис тикланиши соҳасидаги изланишларни жадаллаштириш назарда тутилиши жоиз.

2. Бозор иқтисодиётига ўтишни маърифий-маданий асосда республикамизнинг ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ташкил этиш муҳим вазифалардан биридир. Бу соҳадаги илмий ишларни ташкил этишда республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китобларида ва ниҳоят «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида баён этилган фикр ва хулосалар асосий мезон бўлмоғи керак. Чунки, уларда бозор иқтисодиёти муносабатларига жамиятнинг ҳамма қирраларини қамраб олувчи ижтимоий муносабатларни ифода этувчи тизим сифатида кенг кўламда ёндашилган, бевосита бунга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш тақозо этилган. Чунончи, республикамизнинг қулай жуғрофий-сиёсий мавқега эга эканлиги, табиий-иқлимий шароитларининг ўзига хослиги, Осиё ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш шакллари Ўзбекистонга ҳам хос эканлиги, алоҳида демографик хусусияти, аҳоли миллий таркибининг ўзига хослиги, аҳолининг тафаккур ва миллий-тарихий турмуш тарзини, халқ анъаналарини ва урф-одатларини эътиборга олиниши, халқнинг миллий руҳиятига хос этнопсихологик меъёрлар олиниши зарурлиги ва

бошқалар алоҳида кўрсатилган. Бинобарин, буларнинг ҳаммаси ижтимоий-гуманитар фанларига бевосита тааллуқлидир.

3. Бозор муносабатлари туфайли вужудга келган ижтимоий-маънавий иқтирозларни таҳлил этиши бирламчи вазифалардандир.

Қўз ўнгимизда тез суръатлар билан янги ижтимоий табақаланиш юз бермоқда. Оқибатда аввалги «синфлар» ўринга жамият «бойлар» ва «камбағаллар» табақасига ажралиб, ҳар хил кўринишдаги зўравонлик ва меҳнатсиз даромад олувчи «юлчи» мафкураси таркиб топмоқда. Олимларимиз мутасадди ташкилотлар билан биргаликда бу иллатлардан жамиятни ҳалос этиши ҳуқуқий механизмларини таъминлашни жоиз.

4. Республикамиздаги энг муҳим муаммо бу инсон масаласидир. Бунга комплекс тарзда ёндашмоғимиз зарур. Чунки, Ўзбекистон нуфуси тез суръатлар билан ўсиши натижасида 20 йилдан сўнг 40 млн га яқинлашиши кутилмоқда. Бундай ҳолат бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Унга ҳозирдан тайёргарлик кўриш керак.

5. Асосий масалалардан бири экологик иқтирознинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишдан иборат.

Энг долзарб муаммо Орол фожияси туфайли саҳрога айланишни тўхтата оладиган аниқ механизмларни жорий этишдан иборат. Масала шундаки, ҳар йили Орол денгизи ҳисобига 150 минг гектар ер саҳрога қўшилмоқда ва Қизилқум, Қорақум ва «Оққум» асосида ягона саҳро бунёдга келиш хавфи туғилмоқда. Бу жараён Орол ҳавзасидаги жамини мавжудотни ҳалоқатга маҳкум этиши мумкин.

6. Олимларимиз олдида турган долзарб масалалардан яна бири жамиятимизнинг истиқлол мафкурасини яратишдан иборат. Ўзбекистоннинг миллий мафкураси кучли иқтисодий манбага, илм-фан потенциалга, бой маданий мерос ва қадриятларга, дин эркинлиги, одилона ҳуқуқий мақомларга таянган ҳолда халқимиз ва мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси маконидан муносиб ўрин эгаллашни таъминловчи ғоявий восита бўлмоғи керак. Академия олимлари бундай мураккаб масалага илмий жиҳатдан ёндашмоғи жоиз.

7. Ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари замонимиз талаблари даражасига жавоб бера оладиган юқори тафаккурга эга бўлган илмий ходимлар тайёрлашга ўз ҳиссаларини қўшишлари устивор масалалардан биридир.

Дастлабки далил ва хулосалар юқоридаги, ижтимоий-гуманитар фанлар илмий салоҳияти 50 йил мобайнида ривожланишнинг ҳар бир босқичида маънавий-маданий юксалишга ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиб келганларидан далолат беради. Эндиги асосий вазифа мустақиллиқни мустаҳкамлаш асосида республикамизнинг жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшишлигини таъминлашдан иборат.

А. Х. ХИКМАТОВ

## 50 ЛЕТ ИНСТИТУТУ ЭКОНОМИКИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

При создании Академии наук Узбекистана в 1943 г. в ее составе был учрежден и Институт экономики. Первоначально в Институте было организовано 2 отдела и 2 сектора. В год образования в нем было всего 9 сотрудников, в том числе 4 кандидата наук. Ныне же в Институте экономики АН РУз работают 163 человека, из них научных сотрудников — 79, докторов наук — 7, кандидатов — 52 человека.

В разные годы Институт возглавляли: чл.-кор. АН Узбекистана К. Н. Бедридзе, чл.-кор. АН Узбекистана А. М. Аминов, проф. А. Х. Бабаходжаев, проф. П. Е. Омелин, проф. И. Н. Тогоев, чл.-кор. АН Узбекистана О. Б. Джамалов, акад. АН РУз И. И. Искандеров.

В первые годы функционирования Института основные его силы были направлены на выявление резервов увеличения производства сельскохозяйственной и промышленной продукции, крайне необходимой в условиях Великой Отечественной войны.

После окончания войны Институт стал заниматься исследованием методологических, региональных и районных комплексных проблем, обусловленных необходимостью разработки, в первую очередь, научных основ развития производительных сил Каракалпакстана и освоения ресурсов Голодной степи. В 1949 г. разворачиваются исследования по обоснованию долгосрочного развития производительных сил (на 15—20 лет) Ферганской долины.

В 60-е годы расширились и углубились исследования роли и места ведущих отраслей экономики в воспроизводственном процессе народного хозяйства Узбекистана. Они позволили выработать научную концепцию и определить методику долгосрочного прогнозирования темпов и пропорций развития народного хозяйства республики.

В 1946—1965 гг. в Институте проводились исследования, нацеленные на решение задач, связанных с определением основных направлений развития хлопкоочистительной, шелкоперерабатывающей, масложировой и машиностроительной промышленности Узбекистана, а в 1964—1966 гг. — разработка экономических проблем химизации народного хозяйства.

Одним из ведущих направлений является исследование проблем экономических закономерностей развития народного хозяйства республики. Значительная работа велась и по исследованию проблем формирования собственности в специфических условиях Узбекистана (О. Б. Джамалов, И. Б. Блиндер, А. У. Ульмасов, Р. К. Каримов).

Проводились исследования закономерностей воспроизводства общественного продукта в Узбекистане и его региональных особенностей, способствовавшие созданию научной концепции и методики долгосрочного прогнозирования темпов и пропорций развития народного хозяйства республики.

Ученые Института исследовали методологические основы структуры народного хозяйства Узбекистана, региональные особенности ее формирования, а также динамику структурных сдвигов в воспроизводственной структуре, пути и методы совершенствования структуры народного хозяйства (А. А. Абдуганиев, П. И. Чуманова, М. А. Таджимуратов, Ф. Р. Расулєв, Р. А. Алимов). Основное содержание исследований опубликовано в монографии «Общественный продукт и национальный доход в Узбекской ССР» (1960), книге А. А. Абдуганиева «Темпы и пропорции воспроизводства общественного продукта в УзССР» (1973) и др.

С 70-х годов разворачиваются научные разработки по проблемам развития промышленного потенциала Узбекистана. В трудах ученых Института исследовались методологические и методические вопросы оценки эффективности одновременных затрат на развитие промышленности и ее отдельных отраслей, планирования и проектирования строительства и эксплуатации предприятий. В научных трудах Б. А. Десятчикова, А. М. Аминова, К. П. Бедридзе, П. И. Пекандерова изучались закономерности формирования и развития промышленности Узбекистана, обосновывались направления повышения темпов индустриального развития республики.

В исследованиях Р. М. Разакова, М. А. Овчаровой, П. П. Мухько, посвященных выявлению региональных особенностей НТП в Узбекистане, были разработаны научно обоснованные предложения, направленные на повышение экономической эффективности технического прогресса с учетом его социально-экономических последствий.

В период после 1965 г. в Институте экономики интенсивное развитие получили исследования в области образования и использования фондов экономического стимулирования, внедрения на промышленных предприятиях внутрихозяйственного расчета. Учеными разрабатывались научные основы хозрасчетных отношений и принципы экономического стимулирования производства на промышленных предприятиях и объединениях, которые обобщены в коллективных трудах: «Фонды экономического стимулирования в промышленности Узбекистана» (1971), «Совершенствование хозрасчета и экономического стимулирования в промышленности Узбекистана» (1973 г.), книгах Т. Э. Эргашева — «Проблемы экономического стимулирования промышленного производства» (1974), В. М. Шепелева — «Экономическое стимулирование НТП: региональный аспект» (1990).

Научно-практическое значение представляли предложения ученых Института о совершенствовании ценообразования и тарифной системы, а также методика сравнительной оценки эффективности производства важнейших видов хлопкового комплекса, содержащиеся в монографиях И. И. Искандерова «Экономические проблемы развития текстильной промышленности в Узбекистане» (1969) и «Текстильная промышленность Узбекистана» (1974), П. Х. Насырова — «Цены и эффективность хлопкового комплекса» (1977).

Другое важнейшее направление — комплексное исследование проблем эффективности капитальных вложений, основных фондов и новой техники, прежде всего в промышленности. По этой проблеме издан ряд трудов: Б. А. Десятчиков, П. В. Калякин, А. Х. Хикматов — «Экономическая эффективность в промышленности и строительстве» (1966), «Резервы повышения экономической эффективности капитальных вложений в УзССР» (1969), «Эффективность капитальных вложений в промышленности Узбекской ССР» (1971), А. А. Артыков — «Экономические проблемы развития и размещения машиностроения Узбекистана» (1974), Н. М. Юсупова — «Развитие промышленности строительных материалов Узбекистана» (1973), «Интенсификация общественного производства в Узбекской ССР» (1983), Р. М. Мухиддинов — «Повышение эффективности капитальных вложений в сельском строительстве Узбекистана» (1984), «Региональные проблемы эффективности и совершенствования хозяйственного механизма» (1986) и др. В этих работах выявлены резервы сокращения инвестиционного цикла, даны предложения по рациональной структуре основных фондов, определению рациональных сроков службы средств труда и загрузки производственных мощностей.

Разработанные Институтом методические основы проведения инвентаризации основных производственных фондов промышленных предприятий были апробированы на 12 предприятиях Ургенча, в районах Ташкента и в системе АН РУз. Инвентаризация основных производственных фондов позволила выявить реальное состояние материальной базы предприятий, что особенно необходимо в условиях перехода к рыночной экономике и может послужить основой для установления базовой цены на объекты, подлежащие приватизации.

Ряд исследований Института посвящены повышению эффективности технического прогресса и качества продукции в промышленности. К их числу относятся монографии: И. И. Искандеров и др. — «Проблемы повышения качества продукции в легкой промышленности

Узбекистана» (1973), Р. М. Разаков — «Эффективность основных фондов в нефте- и газодобывающей промышленности Узбекистана» (1972), «Экономическая и социальная эффективность НТП в машиностроении Узбекистана» (1986) и др.

В последние годы совместно с СОПСом АН РУз велись целенаправленные исследования по повышению эффективности территориальной организации общественного производства в республике, особенно по прогнозированию развития и размещения производительных сил на долгосрочную перспективу. В этом направлении опубликованы труды: Ш. Н. Закиров — «Проблемы рационального размещения промышленности Узбекистана» (1972), К. А. Кабанова — «Развитие и размещение овощеводства в Узбекистане» (1976), «Проблемы совершенствования территориальной организации промышленного производства Узбекистана» (1980), А. К. Бедринцев — «Совершенствование территориальной организации хозяйства союзной республики» (1987).

За цикл работ по этой проблеме группа ученых: чл.-кор. АН РУз К. Н. Бедринцев, акад. АН РУз К. И. Лапкин, акад. АН РУз И. И. Искандеров, доктора наук З. М. Акрамов, Ш. Н. Закиров, канд. экон. наук Б. А. Пальмин — удостоены Государственной премии Узбекистана им. Беруни за 1974 г.

С 1973 г. в Институте экономики получило развитие новое научное направление — «Разработка перспективного плана комплексного социально-экономического развития городов и районов». Первое завершённое исследование по этой теме — «Основные направления социально-экономического развития г. Ташкента на 1976—1990 гг.» было использовано Госпланом республики при составлении плана развития народного хозяйства Узбекистана на 1976—1980 гг.

Методические вопросы комплексного социально-экономического планирования были обобщены в изданной Институтом монографии «Научные основы разработки планов социального и экономического развития городов в условиях перестройки» (1990). Разработки Института по составлению комплексных планов социального и экономического развития были использованы в практике планирования городов: Ташкент, Алмалык, Андижан и в ряде районов Ташкента.

При исследовании методических проблем социально-экономического планирования выдвигались научно обоснованные предложения по развитию непродовольственной сферы, что нашло отражение в монографии Р. Х. Шадиева «Сфера обслуживания и уровень жизни населения» (1974).

Качественным сдвигом в деятельности Института следует считать формирование и развитие экономических исследований с применением экономико-математических методов и ЭВМ, призванных решать крупные комплексные народнохозяйственные задачи. Результаты исследований обобщены в книге А. С. Сафаева «Оптимизация развития отрасли промышленности в экономическом районе» (1973), коллективной монографии «Экономико-математические методы в планировании народного хозяйства Узбекистана» (1972). Вопросы совершенствования управления и организации производства рассмотрены в трудах: Т. Д. Нуруллаев — «Межотраслевые комплексы Узбекистана» (1985), С. Э. Вахидова — «Совершенствование планирования и размещения сельскохозяйственных отраслей хлопкового комплекса Узбекистана» (1988), Р. И. Яушев — «Межотраслевые связи в сфере агропромышленного производства» (1992).

С конца 50-х годов в Институте проводится исследования по проблемам региональных особенностей народонаселения, трудовых ресурсов и повышения эффективности их использования в народном хозяйстве. Методические и конкретные рекомендации использованы плани-

Диалектика ва табиёт фалсафаси соҳасида ишлаётган ходимлардан О. Файзуллаев, М. Н. Абдуллаева, Б. Р. Каримов, Р. М. Имомалиева, Э. С. Ҳошимова, О. Файзиев, М. Усмонов, Ш. Жўраев, Г. Расулова, Н. Эшметов, Б. О. Тўраев ва бошқалар биргаликда 36 та монография нашр этдилар, жумладан: «Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии», «Проблема адекватности отражения в познании», «Диалектика соотношения биологической и химической форм движения материи», «Теория отражения и единство диалектики, логики и теории познания», «Природа связи и формы проявления», «Глобал ва зонал экология диалектикаси», «Развитие комплексного подхода в научном познании и действиях», «Диалектика в квантовой механике», «Пространство, время, развитие», «Философские проблемы естествознания», «Философские проблемы научно-технической революции», «Абстрактлик ва конкретлик диалектикаси», «Ҳозирги замон фанида имконият муаммолари», «Инъикос назарияси ва ҳозирги замон фани», «Взаимосвязь устойчивости и изменчивости в условиях НТР» ва бошқалардир.

Республикадаги диалектик фалсафанинг таниқли мутахассисларидан В. С. Никитченко, С. В. Свирский, А. В. Зведенюк, П. Н. Қалощин, Н. Осмонов, У. Ҳайдаров ва бошқаларнинг докторлик диссертациялари ҳам мазкур бўлимда тайёрланган.

Соҳа мутахассислари эндиликда илмий-табиий меросимизнинг фалсафий муаммолари, ҳозирги замон диалектикаси ҳамда табиёт ва техника фанлари фалсафасини ватанимиз мустақиллиги шароитида илмий тадқиқ қилиш билан шуғулланмоқдалар.

2. Ижтимоий фалсафа ва социология институтининг илк бўлимларидандир. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ижтимоий ва миллий тузилмалар ва уларнинг ўзгариши тадқиқ қилинди. Ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг илмий-техника инқилоби таъсирида ривожланиш кўрсатиб берилди. Қишлоқ ва шаҳарларнинг ижтимоий ривожланиши, жамиятнинг маънавий боёишида зиёлиларнинг ўрни, умуминсоний қадриятларнинг синфий ва партиявий мансубликка қараганда устуналиги олимларимиз эътиборини жалб этди.

Ишчилар синфи ривожининг ижтимоий-сиёсий, миллий, психологик муаммолари билан шуғулланиш мақсадида 20 дан ортиқ аниқ социологик тадқиқотлар ўтказилди. Социологик текшириш учун дастурлар, усулий ҳужжатлар ва йўриқномалар ишлаб чиқилди. Республикамининг бозор иқтисодиётига ўтишига нисбатан жамоатчилик фикри аниқланди. Раҳбар идораларга 48 та амалий тақлиф берилди.

Соҳа бўйича (А. Қ. Валиев, Т. Д. Саакова, А. С. Чамкин, Т. Р. Абдушукуров, А. К. Тўқсонов, М. А. Абдуллаев, О. П. Умурзоқова ва бошқалар) 30 дан ортиқ монография нашр этилди, жумладан, «Советская национальная интеллигенция и ее социальная роль», «Взаимопомощь народов СССР», «Социальная структура сельского населения УзССР», «Интеллигенция Узбекистана: место и роль в обществе», «Научно-технический прогресс и социальное развитие села в Узбекистане»,

«Диалектические противоречия в общественном развитии», «Диалектические противоречия в общественном развитии и пути их решения», «Социальное управление комплексным освоением земель Средней Азии», «Социальные последствия современной научно-технической революции» ва бошқалар.

Спёсатнуослик ва миллий муносабатлар соҳасида (раҳбар А. Юнусов, Г. Шерматова) миллатлараро муносабатларни уйғулаштириш механизмларини аниқлаш муаммоси билан шуғулланмоқда. А. Юнусов, Г. Шерматова, А. Қ. Турсунов, Д. М. Нийёзов, Т. Е. Маҳмудова ва бошқаларнинг қатор монографиялари чоп қилинди.

Соҳа бўйича 30 дан ортиқ фалсафа фанлари докторлари (А. Қ. Валиев, Қ. Х. Хоназаров, С. Ш. Шермухамедов, С. П. Турсунмухаммедов, Н. Г. Говнов, О. П. Умурзоқова, М. Абдуллаев, Т. Р. Абдушукуров, А. Ч. Чориев, Н. Маматов, Т. Оқмуродов, Г. Ҳамидова ва бошқалар) тайёрланди.

Ижтимоий фалсафа ва социология бўйича 10 дан ортиқ Бутуниттifoқ ва республика илмий анжуманлари ўтказилди. Масалан, бунга 1970 йилда ўтказилган «Диалектические противоречия в общественном развитии и пути их решения» анжуманини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Соҳа илмий ходимлари ҳозир Ўзбекистонда ижтимоий ривожланишнинг янги ҳодисалари, жараёнлари ва йўналишларини ўрганиш ва уларни умумлаштириш, мустақиллик шароитида қишлоқнинг ижтимоий тузилиши, миллий ишчилар синфининг истиқболи ва зиёлиларнинг жамиятнинг маънавий бойишидаги ўрни муаммоларини тадқиқ қилмоқдалар.

3. Инсон муаммолари ва маданиятшунослик соҳасида М. М. Ҳайруллаев, С. Ш. Шермухамедов, О. П. Умурзоқова, Х. А. Шайхова каби олимлар етакчилик қилдилар.

Асосий муаммолар — шахснинг онгига, жамият ва миллий кадрларнинг шаклланишига ахлоқ-одоб ва эстетик омилларнинг таъсири механизмларини аниқлашдир.

Бу соҳа олимлари томонидан 60 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди, 14 та шахсий ва муаллифлар жамоаси монографиялари нашр этилди. Жумладан, «Вопросы нравственно-эстетического воспитания», «Взаимодействие культур и эстетическое развитие личности», «Художественная культура и творческая молодежь», «Культурная среда и духовное формирование личности», «Культура и нравственное совершенствование личности», «Формирование новых нравственных отношений колхозного крестьянства Узбекистана», «Диалектика нравственно-эстетических ценностей и жизненных ориентаций личности», «Социальная справедливость: пути реализации», «Культура нравственности, человек» ва бошқалар.

Соҳа бўйича бир неча амалий тақлифлар тақдим этилди. Илмий ходимлар Руминия, Югославия, Финляндияда бўлиб ўтган жаҳон анжуманларида маърузалар қилдилар.

Ҳозир улар мустақиллик ва демократия шароитида жамиятнинг маънавий ҳаётини ўрганиш методологияси масалаларини, умумда ниҳат жараёнларини тадқиқ қилиш билан шуғулланмоқдалар.

4. Марказий Осиё фалсафаси тарихини тадқиқ қилиш институтининг илк тадқиқот ишларидандир. Марказий Осиё ва хорийжий Шарқ мамлакатлари табиий-илмий, ижтимоий фалсафий, онтологик-гносеологик ва социологик ғоялар тараққиёти, ҳозирги давр мафкуравий кураши, маданий мерос ва инсонпарварлик ғоялари тараққиёти, фалсафа тарихида инсон муаммоси каби масалалар билан машғул. Утмиш мутафаккирларининг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва социологик қарашлари таҳлил этилди. Уларнинг араб ва форс тиллар-

даги кўплаб фалсафий рисоалари ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, шарҳлаб берилди.

М. М. Ҳайруллаев, М. Б. Баратов, Х. П. Воҳидов, А. Аҳмедов, Р. Носиров, Қ. Х. Худойберганов, М. К. Орипов каби ва бошқа таниқли олимлар етишиб чиқди.

М. М. Ҳайруллаев, А. Ж. Шарипов, Х. Алиқулов соҳа илмий раҳбарлари бўлиб ишлаганлар ва ишламоқдалар.

Соҳа бўйича муаллифлар (М. М. Ҳайруллаев, А. Ж. Шарипов, Х. Алиқулов, М. Нуриддинов, Р. Баҳодиров, Д. Шораҳмедов ва бошқалар) 23 та монография, жумладан, «Абу Наср ал-Фаробий», «Великий мыслитель Беруни», «Развитие культурных связей и социологическая мысль Средней Азии и Ирана в XIV—XV вв.», «Абу Абдаллах Хоразмий», «Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрчилиги тарихидан», «Из истории суфизма и общественной мысли Востока», «Юсуф Қорабғий ва Ўрта Осиёда XVI—XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр», «Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия в Средней Азии» ва бошқаларни нашр эттирдилар.

Буюк алломаларимиздан ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Беруний, Ибн Сино юбилейлари ўтказилди. Чет эл олимлари билан илмий алоқалар давом эттирилмоқда.

Ҳозир илмий-фалсафий меросимизни ўрганиш давом этмоқда, халқимизнинг маданий-маънавий бойлигидан мустақиллик шароитида янада кўпроқ фойдаланиш талаб этилмоқда.

5. Ҳозирги замон Шарқ фалсафаси ва динларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича асосан мафкура масалаларига доир илмий ишлар олиб борилди.

Бу масалалар бўйича С. Э. Азимов, М. Баратов, М. А. Усмонов, Н. Саидов, А. Масалиев, Э. Бобоева, Ф. Тешабоев, С. Йўлдошев, М. Абдурасулов ва бошқалар чуқур тадқиқотлар олиб боришди.

М. А. Усмонов, С. Э. Азимов, Н. Х. Саидов, А. М. Масалиев ва бошқалар 10 дан ортиқ китоб нашр эттиришди, жумладан, «Исломи ақидалари ва моҳияти», «Хорижий Шарқ халқлари илгор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи очерклари», «Культурная среда и духовное формирование личности», «Ислам. Маълумотнома» ва бошқалардир.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ўз қадриятларимизни тўла-тўқис ўрганиш бўйича, жумладан, ислоҳот соҳасида ижод этган олимларимизнинг илмий фаолиятлари ҳамда қўшни Шарқ мамлакатларининг ҳозирги замон мафкураси ўрганилмоқда.

**Фалсафа кафедраси.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа кафедраси 1952 йилда ташкил топган. Кафедра фаолиятига сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси Ҳ. П. Пулатов раҳбарлик қилган. Кафедрага ўз пайтида профессорлар Р. Ҳ. Абдушукуров, Б. И. Исмоилов, Қ. Х. Хоназаровлар ҳам раҳбарлик қилганлар. Кафедра юқори даражада илмий мутахассислар тайёрлаш бўйича етакчи илмий-методик марказ ҳисобланади, унинг даргоҳида 10 мингдан ортиқ ёш олимлар илмий-фалсафий тайёрликдан ўтдилар.

Кафедранинг профессор-ўқитувчилар жамоаси ўз фаолиятини қўйидаги йўналишлар бўйича — ёш олимларга фалсафий билим бериш ва уларни илмий-методологик жиҳатдан тайёрлаш, илмий методик масалаларни ишлаб чиқиш, фалсафа, методология, фан, маданият ва Ўзбекистон ижтимоий ва сиёсий тараққиётининг энг долзарб замонавий муаммоларни бўйича — илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Кафедра олимлари ўзларининг 40 йиллик илмий фаолиятлари давомида 200 босма табақдан ортиқ илмий ишларни чоп этдилар. Кафедра етук олимлар ва тажрибали мутахассисларга эга. Унда тажри-

бали олимлардан А. Н. Нуриллаев, А. А. Аҳмедов, М. А. Аббасов, С. Х. Мажилов, Д. Я. Майбурова, М. Т. Тоҳидов, Б. Ш. Патлаҳ, Г. Х. Раҳулсалар дарё беришади. Кафедра профессор-ўқитувчилари илмий журналлар, газеталар саҳифасида, радио ва зангори экранда, республика ва шаҳар аҳолиси ўртасида ҳозирги ижтимоий ҳаётнинг энг долзарб муаммолари бўйича иштирок этиб турадилар.

Кафедра ёш олим ва аспирантларга фалсафа соҳасида кенг маълумот беради. Уларни Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари ижоди билан таништиради. Ҳозирги замон табиий, техникавий ва ижтимоий фанлари методологияси билан қуроллантиради. Аспирантлар илмий билишни чуқур ўрганадилар, ҳар хил фанлар орасидаги узвий боғланишларни билиб оладилар, ўзларига яқин бошқа фанлар услубидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Илмнинг ҳар хил соҳаларида муваффақиятли ишлаётган таниқли олимлар лекцияларга таклиф этилмоқда.

Аспирантлар ҳозирги замон сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти, умуминсоний қадриятлардан хабардор бўладилар.

Кафедра кўплаб илмий-методологик анжуманлар ўтказишни ташкил қилади. Аспирантларнинг илмий қизиқишини ошириш соҳасида суҳбатлар бўлиб туради. Уқув-методологик қўлланмалар ҳар икки уч йилда янгиланиб турилади. Ҳар бир аспирант ўз соҳасининг фалсафий методологик масалалари юзасидан реферат ёзади. Бунда жаҳон фалсафий илмий журналларидаги мақолалардан хабардор бўлишлик талаб қилинади. Ниҳоят, аспирант ва ёш олимлар номзодлик минимумидан имтиҳон топширадилар.

## II. ҲУҚУҚШУНОСЛИК СОҲАСИ

1. 1959—1962 йилларда фуқаролик-муомала, никоҳ ва оила, меҳнат, жиноят ва жазо ҳуқуқлари ҳамда жараёни бўлимлари бир бўлимга бириктирилиб, унга академик Хадича Сулаймонова раҳбарлик қилган.

1962 йилга келиб, бу бўлим яна иккига бўлинди. Жиноят жараёни, жиноят ва жазо ҳуқуқлари бир бўлим ва қолган ҳуқуқ соҳалари иккинчи бўлимга ажратилиб, уларга ҳуқуқ фанлари номзодлари Ғ. Абдумажидов ва Х. Раҳмонқулов мудир бўлдилар. Ана шу йиллари давлат ва ҳуқуқ бўлимлари ҳам тузилган бўлиб, унга ҳуқуқ фанлари доктори Отабой Эшонов, сўнг ҳуқуқ фанлари номзоди (1965 йилдан доктори) Малик Ҳақимов мудирлик қилганлар.

2. Ана шу йилларда 3 йиллик давлат ва ҳуқуқ тарихи устида тадқиқот ишлари олиб борилиб, қарийб бутун жамоа иштирокида, 7—8 йил мобайнида, бу асарлар ёзилиб, chop этилди.

Ундан ташқари, ҳуқуқнинг бир қанча соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, диссертациялар ёқланди. Булар фуқаролик-муомала, ер, никоҳ ва оила, жиноят ва жазо ҳуқуқи жараёни ва криминалистикадан Х. Раҳмонқулов, И. Жалилов, Т. Аюбов, Г. Тансиқбоева, Ғ. Аҳмедов, И. Ҳақимов, Қ. Эркаҳўжаев, Ғ. Убайдуллаев, В. Умаров, Ғ. Абдумажидов, Ғ. Труфяков, У. Очилов, П. Елисейкин, давлат ҳуқуқи тарихи, давлат ҳуқуқи ва бошқарувдан эса С. Султонов, М. М. Файзиев, У. Чориев, К. Шеметаев, К. Назаров, А. Шукуров, Ю. Сидиқов ва бошқалар номзодлик диссертацияларни ёқладилар.

Бутун ўтган давр мобайнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ер ҳуқуқи, қонунчиликни мустаҳкамлаш, қонунларни такомиллаштириш устида, қиёсий ҳуқуқшунослик борасида ва давлат органларининг компетенциялари, иттифоқ ва республика жиноят қонунлари соҳасидаги компетенция, давлат ва жамоат мулкларига қарши жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари ишлаб чиқил-

ди. Ана шу изланишлар натижасида М. Ҳакимов, Х. Раҳмонқулов, И. Жалилов, Ф. Аҳмедов, Э. Ҳакимов, М. М. Файзиев, У. Чориёров, А. Хулапова, Б. Миренский, Г. Саркисянц ва бошқалар докторлик диссертацияларини ёқладилар.

3. Юқорида номлари кўрсатилган талабгорлар Х. Сулаймонова, О. Эшонов, Ш. Уразаев ва таниқли олимлар В. Коток, В. Н. Кудрявцев, Е. Яковлева, О. Иоффе, В. С. Никифоров, М. С. Строгович, Д. И. Дембо, Г. Аксенюк, А. Тиллаев, В. Туманов ва бошқаларнинг илмий йаслаҳатлари билан докторлик диссертацияларини ёзиб, 1965—1989 йилларда ҳимоя қилганлар. Ундан ташқари, ҳуқуқ соҳасида 90 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланди ва улар ўз диссертацияларини асосан институтимиз илмий кенгашида ёқладилар.

4. 35 йил мобайнида 40 дан ортиқ катта ва кичик монографиялар, кўплаб илмий тўпламлар, мақолалар, рисоалар, кодекс шарҳлари ва бошқа китоблар чоп этилди. Жумладан, 3 катта жилдан иборат «История государства и права Узбекской ССР», «Собрание сочинений Х. Сулеймановской», яна 3 жилдан иборат «Совершенствование законодательства Узбекской ССР», «Укрепление законности и охрана прав граждан», «Правовые формы регулирования имущественных отношений хозяйственных организаций» ва ҳоказолар нашр этилди. Фуқаролик, ер-сув ҳуқуқи соҳасида 30 дан ортиқ китоблар чоп этилди.

Жиноят ҳуқуқи ва процессуал ҳуқуқи масалалари бўйича ҳам 28 монография чоп этилди. Жумладан, «Расследование преступлений», «Компетенция союзной республики в области уголовного законодательства», «Правовые вопросы соучастия в хищении социалистического имущества», «Совершенствование законодательства о борьбе с преступностью», «Эффективность законодательства о борьбе с нарушениями общественного порядка», «Ичкиликбозликка қарши кураш», «Наркомания, преступность, ответственность», «Повышение эффективности борьбы с должностными и хозяйственными преступлениями» ва бошқалардир. Қиёсий ҳуқуқшунослик соҳасида «Проблемы сравнительного изучения государственно-правового строительства союзных республик», «Применение сравнительного метода при исследовании законодательства союзных республик», «Введение в основные правовые системы современности», «Советское сравнительное правоведение в условиях федерации», «Совершенствование законодательной техники», «Мустақиллик нима?», «Внешнеэкономические связи Узбекистана (правовые проблемы)», «Советское государство и общественные организации», «Пути демократизации государства», «Олий ва маҳаллий кенгашларнинг ҳуқуқий асослари», «Демократик давлат» каби илмий рисоалар чоп этилди.

Қишлоқ ҳўжалиги ва экология соҳасида қўйидаги китоблар чоп этилди: «Основные черты земельного права дореволюционного Туркестана», «Возникновение и развитие советского земельного права в Узбекистане», «Право колхозной собственности и ее охрана», «Экология. Жиноят ва жазо» ва ҳ. к.

Давлат қурилиши ва бошқарувиға оид, жумладан «Совет давлати ва жамоат ташкилотлари», «Расширение функций местных Советов в обеспечении комплексного плана социального развития территории», «Правотворчество правительства союзной республики»; «Пути демократизации государства», «Демократик давлат сари» каби китоблар чоп этилди.

5. 35 йил мобайнида қонун чиқарувчи ва раҳбарлик органларига, ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларига, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқ соҳасида 40 дан ортиқ турли амалий таклифлар берилди ҳамда фуқаролик-муомала жиноят ва жазо процессуал қонуларини такомиллаштириш, уларга тузатиш ва ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш тўғрисида, вояга етмаганлар тарбиясини ва ҳуқуқий тарғиботни яхшилаш, айрим жиноятларнинг олдини олиш ва ҳоказо масалалар, шунингдек, мустақил республикамизнинг янги Конституцияси билан боғлиқ кўпгина тавсиялар қилинди.

Институт тавсияси билан 1972 ва 1985 йилларда қонуларимизга энг кўп қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. 1978 йилги Ўзбекистон Конституциясини тузишда ҳам ҳуқуқ бўлими фаол қатнашди ва ўша йили Конституцияга бағишланган «Ҳаётимиз қонуни» номли китоб ҳам нашр этилди.

6. Ўтган давр мобайнида ҳуқуқий масалалар, баъзан, фалсафа ва ҳуқуқ муаммоларини қўшиб, юздан ортиқ турли анжуманлар ўтказилди. Жумладан, Бухоро, Андижон, Фарғона, Термиз, Самарқанд, Тошкент ва бошқа вилоятларда ҳар хил муҳим воқеалар ва саналарга бағишланиб ёки фаннинг, иқтисоднинг бирон муаммоси юзасидан собиқ Иттифоқ миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Ҳуқуқшунослар вилоят марказларига бориб, меҳнаткашлар, ҳуқуқ фани ўқитувчилари учун мунтазам равишда семинарлар ўтказиб турдилар. Умуман, ҳуқуқни ва қонуларни тарғиб қилишда муайян ишлар қилинди, шу мақсадда кўпгина илмий-оммабоп рисоалар ҳам chop этилди.

7. Чет эл ҳуқуқшунослари билан вақти-вақти билан бўлиб турадиган алоқалар сўнгги 1—2 йил ичида анча жонлиб кетди. Англияда Эдектур университети профессори, ҳуқуқшунос Гатлер, Японияда Токио университети С. Тадагава билан ҳамкорликда монографиялар чиқарилди. Венгрия, Чехословакия, Руминия ва Болгария мактаблари ҳуқуқшунослари билан илмий алоқалар мавжуд. Институтимиз мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш жараёнида хорижий давлат ҳуқуқшунослари билан биргаликда унинг лойиҳасини муҳокама қилишди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, ўзаро таъриба алмашишди.

1991 ва 1992 йилларда Франция, Англия, АҚШ, Туркия ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ҳуқуқшунослари билан биргаликда Тошкентда анжуманлар ўтказилди. Республика Конституциясининг мазмуни ва бошқа ҳуқуқий масалалар муҳокама қилинди.

8. Ҳозирги даврда ҳуқуқ соҳасида мустақил давлатимизнинг истиқлоли ва истиқболига бағишланган илмий муаммоларни ишлаш бош мақсад килиб қўйилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш, Ўзбекистон давлат қурилиши ва бошқарувининг муаммолари, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, Ўзбекистоннинг янги қонуни мажмуаларини тузиш ва жиноятчиликка қарши курашда уларнинг самардорлигини ошириш каби масалалар юзасидан илмий тадқиқот олиб бориш ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат ишлар режалаштирилиб қўйилган.

Т. МИРЗАЕВ

## АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗ УҒҚЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 50 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда Республикамызда академик фаннинг, жумладан, адабиётшуносликнинг шаклланиши, тараққиёти ва тарихига назар ташлаш, унда юзага келган илмий мактаблар ва йўналишларни баҳолаш, босиб ўтилган йўлнинг ибратли ва бой бериб қўйилган нуқталаридан тегишли хулосалар чиқариш бугунги вазифалар ва яқин

истиқболни белгилашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам адабиётшунослигимиз тараққийнинг, шунда ҳам асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтида олиб борилган тадқиқотларнинг баъзи нуқталарига диққатни жалб қилишни лозим топдик.

Авалло шуни таъкидлаш керакки, қарийб кейинги бир асрда Ўзбекистонда янги адабиётшуносликнинг барча соҳалари ва йўналишлари қарор топди. Фольклоршунослик, адабиёт тарихи, манбашунослик ва матншунослик, адабиёт назарияси ва бугунги адабий жараён, адабий алоқалар, қиёсий адабиётшунослик, таржима назарияси соҳаларида эътиборли тадқиқотлар яратилдики, уларнинг айримлари хорижий тилларга таржима қилиниб, дунё миқёсига чиқди, ўзбек адабиёти ва фольклори кўркинли оламга танилди.

Ўзбек халқи узоқ тарихли, бой мазмунли, ранг-баранг жанрлар ва шаклларда таркиб топган халқ оғзаки ижодиётининг соҳибидир. Халқ оғзаки ижоди миллий маслак, ватаний ахлоқ, халқпарварлик эътиқоди, мафкура ва руҳониятнинг ўзига хос қомуси ҳисобланади. Миллий, диний-ахлоқий ва фалсафий дунёқарашнинг жавҳари ҳамда бебахт инжулари, халқимиз урф-одатлари ва турмуш тарзининг асосий тамойиллари ана шу мерос бағридан ўрин олган. Аммо бундай улкан мерос асрлар давомида умумхалқ мулкига айланмай, унинг намуналари ёзиб олинмай қолди. Дастлаб ташаббускор зиёлиларнинг, кейинроқ илмий ташкилотлар ва уюшмаларнинг сайёи ҳаракати билан бу иш бизнинг асримиздагина йўлга қўйила бошланди. Бу жиҳатдан Ғози Олим, Элбек, Ғулом Зафарий, Бегжон Раҳмон, Шерали Рўзи кабиларнинг тўпловчилик ва тарғиботчилик фаолиятлари характерлидир.

Ғози Олим Юнусовнинг Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятларига, Ғулом Зафарийнинг Фарғона водийсига, Элбекнинг Бўстонлик тумани ва Тошкент атрофларига уюштирилган экспедициялари, Бегжон Раҳмоннинг Хоразмдаги тўпловчилик фаолияти анча самарали бўлди. Ёзиб олинган фольклор материалларидан намуналар ўша давр вақтли матбуотида эълон қилиниши билан бирга халқ кўшиқлари, мақолларидан таркиб топган махсус тўпламлар ҳам нашр этилдики булар ёш ўзбек фольклоршунослиги шаклланаётганлигининг даракчилари бўлдилар.

Жадал материал жамлаш, ўша давр олимлари таъбири билан айтганда, «эл таниш иши» билан бошланган ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш жараёни 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб янада тезлашди. Бунда кейинчалик дунё илмида ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, Ўзбекистон фольклористика мактабининг яратувчиси сифатида тан олинган Ҳоди Зарифнинг, кейинроқ эса, Буюк Қаримов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавияларнинг дастлабки фаолияти ва илмий ижодлари катта аҳамиятга эга бўлди. Қисқа бир даврда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Абдулла шоир, Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Бола бахши, Аҳмад бахши каби талантли халқ дostonчилари «кашф этилди». Улардан «Алпомиш», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Якка Аҳмад», «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар», «Муродхон», «Рустамхон», каттакон «Гўрўғли» туркуми, «Ойсулув», «Шайбонийхон» каби юзлаб дostonлар ёзиб олинди. Республиканинг барча вилоятларига, айрим «фольклор ўчоқлари» мавжуд жойларда бир неча бор фольклор экспедициялари уюштирилди, барча жанрлар бўйича кенг қамровли тўпловчилик ишлари олиб борилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтида икки минг жилдга яқин материалларни ўз ичига олган фольклор архиви юзага келдики, ўнлаб йirik фольклор нашрларига шу архивда тўпланган намуналар

асос бўлди. Шундай нашрлар қаторига «Ўзбек халқ дostonлари» икки жилдлиги, «Ўзбек халқ эртаклари» икки жилдлиги, «Ўзбек халқ мақоллари» икки жилдлиги, «Булбул тароналари» беш жилдлиги, 37 та китоби нашр этилган «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбек халқ кўшиқлари, эртаклари, топишмоқлари, мақоллари, дostonлари, оғзаки драмаси каби фольклор жанрлари ҳақида, дostonчилик, қизиқчилик, халқ ижодчилари фаолиятида индивидуаллик ва коллективлик мутаносиблиги, туркумлик ва вариантлик, бахшиларнинг ижоди ва бадний маҳорати масалаларига доир, болалар ва маросим фольклори тўғрисида махсус тадқиқотлар яратилди, ўнлаб монографиялар эълон қилинди. «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» сериясидан 7 китобнинг босилиб чиқиши, «Ўзбек фольклори очерклари» уч жилдлигининг икки жилдининг нашр этилиши, олий ўқув юрлари учун махсус дарсликнинг яратилиши қилинган ишларни умумлаштириш ва яқунлашда ўзига хос бир босқич бўлдики, бу босқичдан янги вазифаларни белгилаш, истиқболни аниқлаш имконияти туғилди.

Ўзбек фольклоршунослиги олдидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳозир проспекти ва нашр принциплари ишланаётган, жадал материал танлаш давом этаётган «Ўзбек фольклори ёдгорликлари» 100 жилдлиги нашрига киришишдир. Ўз характери ва йўналиши жиҳатидан очик, кўлами жиҳатидан мислсиз бўлган бу нашр илмий-маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлишига шак-шубҳа йўқ. Шу билан бирга ҳал қилинмаган масалалар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш, тўловчилик ишларини жонлантириш керак бўлади. Назаримда фольклор текстологиясининг назарий муаммолари билан жиддий шуғулланиш вақти аллақачон етган.

Адабиёт ҳамиша маънавиятнинг гултожи бўлиб келган. У кишиларнинг ўзаро руҳий яқинлиги ва иттифоқини таъминловчи, бадний-эстетик оламни бойитувчи қудрат омил сифатида бизни тарих, бугун ва келажак билан бирлаштиради. Шунинг учун ҳам адабиётни билиш халқнинг кўнглини билиш, унинг асрлар давомида безавол яшаб келган ва миллатнинг миллатлигини белгиловчи улуг идеалларини англаш демакдир, халқнинг қувонч ва қайғуси, умид ва интилишларига боғланиш демакдир. Энг олий фикрлар ва умуминсоний тushunchаларни халқ зеҳниятига сингдиришда, омма юрагида миллий ҳис-туйғуларни уйғштишда, кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлишда адабиётга тенг келадиган восита йўқ. Шунинг учун ҳам адабиётнинг ана шу ижтимоий вазифасини теран англаш ва уни тадқиқ этиш доимо адабиётшуносликнинг диққат марказида турди. Бу жиҳатдан адабиёт тарихини, адабий-бадний меросни ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар ғоятда ибратлидир.

Ўзбек адабиёти тарихига доир айрим маълумотлар, адабий намуналар, тўплам ва хрестоматиялар (Фитрат, Садриддин Айний ва бошқалар тузган тўпламларни эсланг) эълон қилиш билан бошланган мумтоз адабиёт намуналарини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш ишлари интенсив давом этиб, замонавий адабиётшуносликнинг барча талабларига жавоб бера оладиган академик фан даражасига кўтарилди.

Қилинган ишларни, олиб борилган тадқиқотларни бундай сарҳисоб қиладиган бўлсак, шу соҳа олимлари ғоятда самарали меҳнат қилганликларига қаноат ҳосил қиламиз. Ўзбек адабиёти тарихи ёдгорликларининг асосий қисми, нашрларнинг савиясидан қатъи назар, халқимизга етказилди. Алишер Навоий «Хамса»си, «Лисонут-тайр» дostonи, лирикаси, «Мажолисун-нафоис» асарининг танқидий матнлари тузилиб, уларнинг академик нашрлари амалга оширилди. Шу кунларда улуг шоир Тўла асарлар тўпламининг 20 жилдлиги нашр этилмоқда. 8 жилдлик «Ўзбек адабиёти» хрестоматияси, шу кунларда нашри давом

этаётган «Ўзбек адабиёти бўстони» серияси халқимизни мумтоз адабиётимиз намуналари билан таништиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мумтоз адабиётимиз вакилларининг ҳаёти, ижоди, мероси, адабиёт тарихининг айрим масалалари ҳақида, жанрлар ривожини, бадий усул, адабий муҳит, адабий-бадний қарашлар тараққиёти муаммолари тўғрисида ўнлаб монографиялар, коллектив тадқиқотлар тўпламлари яратилди. Айниқса, рус ва ўзбек тилларидаги икки ва беш жиллик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг нашр этилиши Ўзбекистон адабиётшунослигининг ниҳоятда катта ютуғи бўлди.

Олиб борилган катта-катта тадқиқотлар ва уларнинг натижалари янги вазифаларни, бой бериб қўйилган ўринларни тўлдиришни ҳам тақозо этмоқда. Адабиёт тарихини ўрганишда бадий маҳорат ва поэтика масалаларига кам эътибор берилди, адабиётдаги халқчиллик, демократик анъаналар муаммолари ўта сиёсатлаштириб ўрганилди, айрим ижодкорлар, баъзи даврлар эътибордан четда қолди. Ҳозир ишланаётган «Алишер Навоий поэтикаси масалалари», «XIX—XX асрлар адабиётида халқчиллик муаммолари» мавзулари ана шу кемтикни тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозиргача кам ўрганилган ёки эътибордан четда бўлган муаммолардан бири тасаввуф ва ўзбек адабиёти масаласидир. Маълумки, тасаввуф таълимоти ва амалиётининг шаклланиши, тараққиёти ва асосий йўналишларининг муайянлашувида Марказий Осиё халқлари вакилларининг ҳиссаси ғоятда каттадир. Унинг форсийлашуви ҳам, туркийлашуви ҳам ана шу Турон заминида юз берди. Шу ерда пайдо бўлган кубравия, яссавия, хўжагон-нақшбандия тариқатлари кейинчалик Марказий Осиё чегараларини ёриб чиқиб, мусулмон дунёсининг ниҳоятда кенг ҳудудларига тарқалди. Шунинг учун ҳам миллий ижтимоий тарихимизда юксак мавқега тўтган тасаввуфни адабиётшунослик йўналишида ҳам ўрганиш фанимизнинг долзарб вазифаларидандир. Шу кунларда ишланиши режалаштирилган «Тасаввуф ва ўзбек адабиёти тараққиёти» тадқиқоти шу йўлдаги дастлабки қадам бўлажак.

Адабиёт ҳамма даврларда яратилади. Совет даврида ҳам бой адабиёт яратилди. Адабиётшуносликнинг вазифаси унга ҳолис, илмий баҳо беришдир. Шу маънода совет даври адабиётини инкор этиб бўлмаганидек, у ҳақда яратилган илмий-танқидий асарларга ҳам бир томонлама баҳо бериш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам адабиётшуносликнинг шу соҳада эришган натижалари ўз даври учун ҳам, ҳозир учун ҳам ибратлидир. Бу ўринда айрим ёзувчи ва шонрларнинг ҳаёт ва ижод йўллари, турли-туман адабий-назарий масалаларга бағишланган юзлаб монографиялар билан бирга «Ўзбек совет адабиёти очерклари» икки жилдлиги, «Ўзбек совет адабиёти тарихи» бир, уч ва беш жилдлиги, «Ўзбекистонда рус адабиёти тарихи очерклари» икки жилдлиги, «Болалар адабиёти» уч жилдлиги каби фундаментал тадқиқотлар яратилди ва нашр этилди. Бунга совет даври ёзувчилари асарларини академик нашрга тайёрлашнинг илмий принциплари ишлаб чиқилганлиги ва шу асосда Ҳамза, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Гафур Гулом каби улкан санъаткорларнинг Тўла асарлар тўпламларининг 5, 20, 10, 12 жилдликлари нашрининг амалга оширилганлигини қўшсак, адабиётшуносликнинг бу соҳасида эришган ютуқларни анча самарали бўлганлиги аён бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, адабий ҳодисалар, айрим ижодкорлар фаолиятига баҳо беришда ягона ҳукмрон мафкура таъсирида бир ёқламаликларга, баъзан хатоларга, ошириб баҳолаш ва мадҳиябозликка йўл қўйилди, оқибатда чалкаш, баъзан нотўғри назариялар яратилди, умумлашмалар қилинди. Бу ҳол мавжуд адабий маҳсулотни

қайта баҳолашни ва шу асосда адабиётнинг бундан кейинги тараққиётини йўналишларини аниқлашни тақозо этади. Илмий режадаги «Янги давр адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти», «Ҳозирги адабий жараённинг ривожланиш тамойиллари» мавзуларининг ишланиши шундай тадқиқотларнинг дебочаси бўлишига шак-шубҳа йўқ. Шу билан бирга совет даври адабиётини текстологик ўрганиш, йирик ёзуви ва шоирлар асарларининг академик нашрларини амалга ошириш ишларини ҳам мунтазам олиб бориш зарур.

Адабий танқид тарихи, адабиёт назарияси, қиёсий адабиётшунослик ва таржимашунослик бўйича ҳам муайян натижаларга эришилди. «Адабиёт назарияси» икки жилддиги, «Ўзбек адабиётида турлар ва жанрлар» уч жилддиги, «Ўзбекистонда бадий таржима тарихи» уч жилддиги, уч китобдан иборат «Таржима муаммолари», «Адабий муштаракликдаги алоҳидаликлар» каби йирик тадқиқотларнинг нашр этилиши бунинг яққол исботидир.

Бу ўринда шунини ҳам айтиш керакки, адабиётнинг соф назарий масалалари ниҳоятда кам ишланди, синфийлик, партиявийлик каби адабиёт адабиёт назариясининг асосий масалаларига айлантирилди, адабиётнинг ижтимоий вазифаси бир томонлама талқин қилинди. Қиёсий адабиётшунослик талаб даражасида ўз ўрнини эгаллаганича йўқ. «Ўзбек адабиётида бадийлик муаммолари», «Адабиётлараро алоқалар тизимида ўзбек адабиётининг ўзига хосликлари» мавзулари бўйича тадқиқотлар олиб борилаётганлиги юқоридаги кемтикликни маълум даражада тўлдирди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиши, бугунги янгича тафаккур ва покланиш жараёни, миллий истиқлол мафкураси талаблари адабиётшунослик олдига ҳам янги-янги вазифалар қўймоқда. Босиб ўтилган йўлни танқидий баҳолаб, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, маънавий-маданий тараққиётига хизмат қилувчи тадқиқотлар яратишимиз зарур. Адабиётшунослигимиз босиб ўтган йўл бизнинг тарихимиз, фанимиз тарихи. У барча мураккабликлари, ютуқ ва камчиликлари, мусбат ва манфий жиҳатлари билан бизники. Уни бўлак-лаш, парчалаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам қилинган ишларга ўз даврининг маҳсули сифатида қараб, ундан керакли хулосалар чиқара билиш зарур. Худди мана шундай ёндашувнинг ўзи ўзбек адабиёти ва фольклорининг энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозиргача бўлган кўп жилдли янги тарихини яратишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасини Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтиди олиб борилаётган тадқиқотларнинг мазмуни ва савияси бундай вазифани қўйиш ва ҳал этишга тўла равишда имкон беради.

А. ҲОЖИЕВ

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Октябрдан сўнг мамлакатда (собиқ СССРда), жумладан, Ўзбекистонда, маданият соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган жуда кўп ишлар кун тартибиди турар эди. Булардан энг асосийси саводсизликни тугатиш, омманинг саводхонлик даражасини юксалтириш вазифаси эди. Лекин бу ниҳоятда қийин вазифа бўлиб, уни муваффақиятли ҳал этиш учун бир қатор жуда мураккаб ишларни бажариш талаб этилар эди. Кенг омма ўзлаштириши осон бўлган ёзувни яратиш (талабга жавоб берадиган алифбо ва имлони белгилаш), она тилидан дарслик ва қўлланмалар яратиш ана шундай вазифалар жумласидан эди. Ҳаёт талаби билан кун тартибига келган бундай масалаларга алоҳида эътибор берилди, ҳар бир муаммо бўйича катта ишлар

амалга оширилди. Лекин бундай муаммоларни кўнгилдагидек ҳал этиш осон иш бўлмай, бунинг учун маълум илмий кузатиш ишлари олиб бориш талаб этилар эди. Шу талаб асосида ўзбек тилини расмий тусда ўрганиш иши бошланди — ҳақиқий маънода ўзбек тилшунослиги фани юзага кела бошлади ва ривожланишда давом этди. Ўзбек тилшунослигининг шаклланиши ва ривожланишида Фитрат, Элбек, Е. Д. Поливанов каби олимларнинг илмий тадқиқотлари, ўзбек тилидан дарслик ва қўлланмалари муҳим роль ўйнади.

1934 йилда Тил ва адабиёт илмий тадқиқот институтининг ташкил этилиши бу фаннинг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг йўл очди. Институт ташкил топишининг дастлабки кунлариданоқ Ҳозирги ўзбек тили бўлими мавжуд бўлиб, унда ўзбек тилининг луғат таркиби, грамматикаси, шевалари ва бошқа масалалари билан шуғулланишлар эди. 40-йилларгача бўлим ходимлари олий ўқув юртлари ва мактаб ўқитувчилари, шунингдек, бошқа муассаса ходимлари билан ҳамкорликда, асосан, ўзбек тилидан дарслик ва қўлланмалар яратиш, турли типдаги луғатлар тузиш, шунингдек, ўзбек алифбоси, имлоси ва терминологиясини тартибга солиш, такомиллаштириш каби амалий ишлар билан машғул бўлдилар. 40-йилларгача ўзбек тилшунослигининг у ёки бу соҳаси бўйича илмий тадқиқотлар жуда кам, деярли йўқ даражада эди. Лекин мактаб ва олий ўқув юртларида тил ўқитишни, она тилига оид дарслик ва қўлланмалар яратиш ва бошқа амалий ишларни талаб даражасида, муваффақиятли ҳал этиш учун ўзбек тилини илмий асосда ўрганиш, назарий масалалар билан шуғулланиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди ва давр талабига жавоб тарзида шундай ишлар билан шуғулланишга киришилди. 40-йилларда яратилган А. Ғуломовнинг «Ўзбек тилида аниқловчилар» (1941), «Ўзбек тилида келишклар» (1941), «Ўзбек тилида кўplik категорияси» (1944), «Ўзбек тилида урғу» (1947), У. Турсуновнинг «Ўзбек тилида сўнг кўмакчилар» (1947), З. Маъруфовнинг «Ўзбек тилида от ясовчи аффикслар» (1941), «Ўзбек тилида сифатларнинг қийсий даражалари» (1949), В. Решетовнинг «О категория настоящего времени в узбекском языке» (1948), А. Маъруфовнинг «Пайт эргаш гап» (1949), А. Сулаймоновнинг «Категория глаголов прошедшего времени в современном узбекском языке» (1949), Ҳ. Ғозиевнинг «Ҳозирги замон ўзбек тилида эргашган қўшма гапларнинг состави» каби мақола ва монографиялари ана шундай илмий тадқиқот натижалари сифатида майдонга келган ишлардир.

Ўзбек тилининг фонетикаси, луғат таркиби ва грамматик қурилиш ва бошқа соҳаларига оид масалаларни аниқ режалар асосида илмий ўрганиш 50-йиллардан бошланди. Бундай ишларнинг самараси ўлароқ кейинги йилларда айрим муаллифларнинг чуқур илмий таҳлилга эга бўлган монографиялари ва муаллифлар ҳамкорлигида йирик-йирик ишлар яратилди. Масалан, А. Ғуломовнинг «Феъл» (1954), «Содда гап» (1955), А. Н. Қононовнинг «Грамматика современного узбекского литературного языка» (1960), В. В. Решетовнинг «Основы фонетики и грамматики узбекского языка» (1961), М. Асқарованинг «Ҳозирги ўзбек тилида эргашши формалари ва эргаш гапларнинг турлари» (1966), И. Расуловнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар» (1974) каби асарлари, Ш. У. Раҳматуллаевнинг ўзбек тили фразеологиясига оид қатор асарлари, С. Усмоновнинг сўзнинг морфологик тузилишига оид ишлари, И. Қўчқортсевнинг «Сўз маъноси ва унинг валентлиги» (1977) номли асари, А. Абдуллаевнинг «Ўзбек тилида кўчирма гапли конструкциялар» (1978), А. Нурмоновнинг «Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка» (1982), Н. Маҳмудовнинг «Ўзбек тилидаги содда гапларда семан-

тик-синтактик асимметрия» (1984) асарларидан ташқари муаллифлар ҳамкорлигида яратилган «Ҳозирги замон Ўзбек тили» (1957), икки жилдан иборат «Ҳозирги Ўзбек адабий тили» (1966), «Ўзбек тили грамматикаси» I том, Морфология (1975), II том, Синтаксис (1976), «Ўзбек тили лексикологияси» (1981), «Совет даврида Ўзбек адабий тилининг тараққиёти» (Уч томлик), «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксис» (1992) каби асарлар ана шундай фундаментал асарлар жумласидандир.

Ўзбек тили фонетикасини ўрганиш соҳасида муҳим ютуқлар ҳақида гап борганда, ўзбек тили фонетикасини экспериментал усуллар билан ўрганишга ўтилганлигини алоҳида қайд этиш керак бўлади. Бунинг натижасида фонема, ургу, бўғин, интонация кабилар тўғрисида янги фикрлар, таснифлар юзага келди. Бу соҳада олиб борилган кузатишларнинг муҳим натижалари сифатида А. Маҳмудовнинг «Словесное ударение в узбекском языке» (1960), «Гласные узбекского языка» (1968), «Сonorные узбекского языка» (1980), С. Отамирзаеванинг «Экспериментально-фонетическое исследование намаганского говора узбекского языка» (1974) асарларини ва муаллифлар ҳамкорлигида тайёрлатиб нашр этилган «Опыт экспериментального и структурного изучения языка» (1982) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонетикаси, лугат таркиби ва грамматикаси бўйича қилинган ишлар, ўзбек тилшунослигининг шу соҳалар бўйича ривожини кўрсатувчи чоп этилган китобларни келтирдик. Бироқ ўзбек тилшунослигининг соҳаси кўн ва ҳар бирининг ўз вазифаси, иш усули ва шу каби хусусиятлари бор. Лекин, назаримизда, асосий мақсад битта, у ҳам бўлса ўзбек адабий тилининг тараққиёти қонуниятларини ёритиш ва шу асосда ҳозирги ўзбек адабий тилининг барча соҳаларни бўйича меъёр (норма)ларини белгилашдир. Ўзбек тилини ўрганиш бўйича қилинадиган барча ишлар ана шу асосий мақсадга қаратилгандир. Ўзбек тилшунослигининг тараққиёт йўли, тараққиёт даражаси ҳам худди шу мақсаднинг амалга ошуви, шу мақсад йўлидаги ҳаракат ва унинг натижалари билан белгиланиши ва баҳоланиши керак.

70 йил мобайнида ўзбек лугатчилиги (лексикографияси) соҳасида ҳам жуда улкан ютуқлар қўлга киритилди. 20-йиллардаёқ Е. Д. Поливанов, Ашур Зокиров, С. Раҳмонқуловларнинг русча-ўзбекча лугатлари тузилиб нашр этилади. 30-йилларда 40 га яқин терминологик ва 10 га яқин орфографик лугатлар, 40-йилларнинг бошида ЎзФА томонидан 17000 сўзли «Ўзбекча-русча лугат» (1941), 30000 сўзли «Русча-ўзбекча лугат» (1942) нашр этилди.

1943 йил Тил ва адабиёт институтида лугатчилик бўлимининг ташкил этилиши бу соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек лугатчилиги тараққиётида 50—70-йиллар алоҳида бир bosқич ҳисобланади. 50-йилларда 72000 га яқин лугат мақоласига эга 5 томли Русча-ўзбекча лугат (1950—1955), 50000 сўзни ўз ичига олган бир томли «Русча-ўзбекча лугат» (1954), 49000 сўзли бир томли «Ўзбекча-русча лугат» (1959) тузилиб нашр этилди.

Шуни айтиш керакки, 60-йилларгача, асосан лугатчиликнинг амалий масалалари билангина, яъни турли типдаги лугатлар тузиш иши билан шугулланиб келинди. Унинг назарий томонларига эса, маълум сабабларга кўра, етарли эътибор берилмади. Лекин лугатчиликнинг илмий-назарий масалалари билан шугулланмай туриб лугатчилик ишларини янги bosқичга кўтариш, давр талаби даражасидаги лугатлар яратиш мумкин эмаслиги табиий эди. 60-йиллардан лугатчиликнинг ана шу томонига ҳам алоҳида эътибор берилга бошланди. Г. Н. Михайловнинг «Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданных в советский период», «О принципах постро-

ния узбекско-русского словаря для узбекской школы» (1960), С. Ақобировнинг «Некоторые вопросы разработки толкового словаря узбекского языка» (1964), «Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях» (номзодлик дисс.), «О границах и источниках толкового словаря узбекского языка» (1971), Ҳ. Юсуфхўжаевнинг «Ўзбек тили изоҳли лугатида феълларнинг бериллиши» (номзодлик дисс.) каби қатор илмий мақола ва монографиялари майдонга келди.

60-йилларгача тўпланган бой тажриба ва лугатчиликнинг муҳим масалалари бўйича олиб борилган илмий назарий текшириш ишлари асосида янги тилдаги лугатни — ўзбек тилининг изоҳли лугатини тузишга киришилди. Қарийб 20 йиллик самарали меҳнатнинг маҳсули бўлган бу лугат 250 босма қоғоз ҳажмда 1981 йилда Москвада нашрдан чиқди. Ўзбек маданияти тарихида биринчи марта яратилган ва 60000 га яқин сўз, 15000 га яқин фразеологик бирликлар ва 3000 дан ортиқ мақол ва маталларни ўз ичига олган «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» ўзбек лугатчилиги тарихида қўлга киритилган энг катта ютуқ, ўзбек лугатчилиги тараққийётининг энг юқори босқичини кўрсатувчи асар сифатида баҳоланади ва у, сўзсиз, Ўзбекистонда лугатчилик, лексикология ва тилшуносликнинг бошқа соҳаларига онд ишларнинг ба-жариллишида жуда катта манба вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда Тилшунослик институтини лугатчилик бўлими ходимлари томонидан нашр этилган икки томли «Русча-ўзбекча лугат» (1983—1984 йиллар) ва бир томли «Ўзбекча-русча лугат» (1988 йил) лугатчилик соҳасида муҳим воқеа бўлди. Ҳозирда Ўзбекистон ФА нинг Тилшунослик институтида Ўзбек тилининг кўп томли изоҳли лугатини яратиш иши давом этмоқда.

**Терминология** масалалари дастлабки даврларданоқ ўзбек тилшунослигида энг асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шундай бўлиши ҳам табиийдир. Чунки турмушнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар тилда уларни акс эттирувчи сўз-терминлар бўлишини (яратилишини) талаб этади. Ана шундай сўз-терминларнинг энг мувофиқ бўлганини, нарсанинг, тушунчанинг моҳиятини аниқ ифодалайдиганини белгилаш ёки яратиш етарли илмий-назарий билимга эга бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам 20-йиллардаёқ алифбо ва имло билан бирга терминология масалаларига бағишлаб жуда кўп кенгай (ийнғилиш) ўтказилган. Бу соҳага онд ишларни бошқариш, тартибга солиш мақсадида 1929 йилда Терминология қўмитаси ташкил этилди. Лекин бу қўмита 1937 йилда тугатилди ва шундан кейинги кўп йиллар мобайнида терминология ишларини бошқарувчи махсус муассасаси ёки ташкилот бўлмади. Бунинг оқибатида 60-йилларгача асосан терминологик лугатлар тузиш ишлари олиб борилди ва турли соҳалар бўйича жуда кўплаб икки тилли ва изоҳли лугатлар яратилсада, лекин терминологиянинг назарий масалаларига жуда кам эътибор берилди.

Терминологияга онд ишларни бошқариш, тартибга солиш ва бу соҳада илмий-назарий ишларни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида **Терминология бўлими** ташкил этилди (1963). Бу бўлим ўз фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ ўзбек терминологияси масалалари бўйича илмий текшириш ишлари олиб боришга алоҳида эътибор берди. Натижада жуда кўплаб илмий мақолалардан ташқари, бир қатор йирик монографиялар ҳам яратилди. Р. Дониёровнинг «Ўзбек тилининг илмий-техникавий терминлари тарихидан» (1973), «Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари» (1977), «Исследование формирования и развития технической терминологии узбекского языка» (докт. дисс., 1982), Д. Х. Бозоровнинг «История формирования и развития зоологической терминологии узбекского языка» (1978), Н. Қосимовнинг «Функциональные особен-

ности аффиксов в узбекской технической терминологии» (номзод. дисс., 1979), Ф. Сафаровнинг «Способы передачи на узбекский язык русско-интернациональных терминов, образованных префиксами» (номзод. дисс., 1978) номли монографиялари ана шундай ишлар жумласидандир.

Терминологияга оид илмий-пазарий кузатишларнинг кучайтирилиши бу соҳадаги амалий ишлар савиясининг ҳам юксалишига, юқори савиядаги терминологик дугатларнинг яратилишига имкон берди. 60—70-йиллар мобайнида яратилган турли соҳага оид 50 дан ортиқ терминологик дугатлар ўзбек тили илмий-техник терминларини унификациялаш ва тартибга солишда муносиб ҳиссаларини қўшди.

Бироқ, саноат, фан, техника ва маданиятнинг турли соҳаларининг йирик маркази бўлган республикамизда аниқ ва яхши ишланган, унификациялаштирилган терминологияга бўлган эҳтиёж яна ҳам кучайди. Бунга эришиш эса жуда катта меҳнатни, терминологияга оид ишларни ягона марказга бирлаштиришни ва уни бошқарадиган махсус орган бўлишини тақозо этарди. Демак, республикада терминология ишларини бошқарувчи махсус орган (терминком) ташкил этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан эди. Ниҳоят ана шундай қўмита тузилди ва у фаолият кўрсатиб келяпти. Уйлаймизки, бу қўмита ўзбек терминологиясини тартибга солиш ва такомиллаштиришда катта ишларни амалга оширади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг барча соҳалари бўйича метёрларини белгилаш учун қилинган ҳаракатлар кўрсатдики, шева ва диалектларга хос хусусиятларни атрофлича ўрганмай туриб бу вазифани муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Шу туфайли бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди. 50-йиллардан бошлаб ўзбек диалект ва шеваларини аниқ режалар асосида ўрганишга киришилди, шу муносабат билан Ўзбекистон ФА нинг Тил ва адабиёт институтида **Диалектология бўлими** ташкил этилди (1954). Тўғри бу вақтга қадар ҳам шева ва диалектларни ўрганиш бўйича маълум ишлар қилинган эди. Лекин академик Ш. Шоабдураҳмонов таъкидлаганидек, «Ўзбек диалектлари дастлаб айрим ташаббускор диалектологлар томонидан танлаб ўрғанилган бўлса, ҳозир эса маълум дастур асосида ялписига ўрғанила бошланди». Демак, Ўзбек тилшунослигининг ҳақиқий матнодаги шевашунослик (диалектология) соҳаси юзага келди ва иш бослади. Бу соҳанинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши бевосита Ф. О. Юнусов, Е. Д. Поливанов, К. К. Юдахин, А. К. Боровков, В. В. Решетов, С. Иброҳимов, Ф. Абдуллаев, Ш. Шоабдураҳмонов, М. Мирзаев каби олимларнинг номлари билан боғлиқ. Бу ўринда В. В. Решетовнинг «Кураминские говоры Ташкентской области» (1952), С. Иброҳимовнинг икки жилдан иборат «Ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси» (1956, 1961), Ф. Абдуллаевнинг «Хоразм шевалари фонетикаси» (1967), «Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси» (1973), Ш. Шоабдураҳмоновнинг «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» (1962), А. Ишаевнинг «Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари» (1977) номли асарларини, шунингдек, Б. Жўраевнинг «Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари» (1969), М. Мирзаевнинг «Бухоро группа шевалари» (1969), А. Ю. Алиевнинг «Наманган группа шевалари» (1976), Х. Дониёровнинг «Ўзбек тилининг қипчоқ шевалари» (1976), А. Шерматовнинг «Қуйи Қашқадарё шевалари» (1978), О. Мадраҳимовнинг «Хоразм шевалари лексикаси»ни (1979) ўрганишга бағишланган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўзбек диалект ва шеваларини ўрганиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар жуда катта. Бу соҳада номзодлик ва докторлик диссертацияси сифатида муваффақиятли ҳимоя этилган 30 дан ортиқ ишларнинг ўзиёқ фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунингдек, Ўзбекистон

ФА Тил ва адабиёт институтининг диалектология бўлими ходимлари томонидан яратилган икки томли «Ўзбек диалектологиясидан материаллар» (1957, 1961), «Ўзбек шевалари лексикаси» (1966), «Тошкент области ўзбек шевалари», «Ўзбек халқ шевалари луғати» (1972) каби асарлар ҳам ўзбек шевашунослиги қўлга киритган улкан ютуқлардан ҳисобланади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, ўзбек диалект ва шеваларини ўрганишда республика олий ўқув юртларининг ўқитувчи — шевашунослари ҳам ниҳоятда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ўринда, айниқса, олий ўқув юртлари талабалари билан биргаликда ҳар йили уюштириладиган диалектологик экспедициялар ишини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак бўлади.

Кейинги йилларда ўзбек халқ шеваларини лингвистик жўғрофия усули билан ўрганишга алоҳида эътибор берила бошланди. Масалан, В. В. Решетов Тошкент областининг Ангрэн воҳасини, А. Шерматов Қашқадарё вилояти шеваларини, Қ. Муҳаммаджонов Жанубий Қозоғистон Ўзбек шеваларини шу усул билан тадқиқ этдилар, шеваларга хос фонетик, лексик-грамматик ҳодисаларнинг худудий тарқалишини кўрсатувчи хариталар туздилар. Демак, диалектологик атлас тузиш иши бошланди. Бу эса, ўзбек диалектологияси ўз тараққиётининг янги босқичига — шеваларни лингвогеографик усул асосида ўрганиш босқичига кўтарилганидан гувоҳлик беради.

Ўзбек тилининг тарихий тараққиёт йўлини, турли даврлардаги ҳолатини атрофлича ўрганмай туриб, унинг ҳозирги даврдаги тараққиёт йўлини, бундаги қонуниятларни, ҳозирги ўзбек адабий тилининг турли соҳалари бўйича меъёрларини тўғри белгилаш мумкин эмас эди, албатта. Шу туфайли ўзбек тилшунослигининг бу соҳасига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўзбек тили тарихини ўрганиш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди. Бу соҳанинг шаклланиши ва кейинги тараққиётида акад. А. Н. Самойлович, проф. А. К. Боровков асарлари муҳим роль ўйнади. Шунингдек, ўзбек тили тарихини ўрганиш ва бу соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлашда акад. А. Н. Кононов, проф. А. Н. Шчербак, С. Н. Иванов ва бошқа рус туркологларининг хизматлари ҳам катта бўлди.

Ўзбек тили тарихини ўрганиш асосан 50-йиллардан сўнг кенг қуч лоч ёйди. Бу соҳадаги ишни бошқариш ва ривожлантириш мақсади билан Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида **Тил тарихи бўлими** ташкил этилди (1964).

Бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гап борганда, айниқса, қуйидаги ишларни алоҳида таъкидлашни лозим толамиз: А. Н. Кононовнинг «Маҳбубул қулуб» ва «Шажараи тарокима» асарлари бўйича тадқиқотлари; С. Н. Ивановнинг «Шажараи турк» тилининг грамматикаси бўйича тадқиқоти, айниқса А. М. Шчербакнинг «Ўғузнома», «Муҳаббатнома» асарлари юзасидан тадқиқотлари, «Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана» (1961), «Грамматика староузбекского языка» (1962), «Сравнительная фонетика тюркских языков» (1970), «Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков» (Имя — 1970), «Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков» (Глагол — 1981) асарлари; «Девону луготит турк»нинг С. Муталлибов томонидан тайёрланган нашри (1961—1963), Ғ. Абдурахмоновнинг «Тарихий синтаксис» (1974), А. Рустамовнинг Алишер Навоий асарлари тили бўйича тадқиқотлари, Ш. Шукуровнинг «Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти» (1976), «Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти» (1980) асарлари, Қ. Каримов томонидан «Қутадуғ билиг»нинг ҳозирги ўзбек ёзуви асосида тайёрланган матни ва ёзилган илмий тадқиқотлари, Қ. Маҳмудов томонидан тайёрланган «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг тан-

қидий матни, транскрипцияси ва илмий тадқиқотлари, А. Матғозиевнинг «XIX аср ўзбек тилининг морфологияси» (1977), Э. И. Фозиловнинг икки жилдлик «Староузбекский язык» (1966, 1971), У. Турсунов, Б. Уринбоевларнинг «Ўзбек адабий тилининг тарихи» (1982), Ҳ. Ғ. Нетьматовнинг «Морфология языка восточно-тюркских памятников XI—XII вв.» асарлари, шунингдек, муаллифлар ҳамкорлигида яратилган «XIII—XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлари» (1986), «XV—XIX асрлар Ўзбек тили морфологияси» (1990) ва бошқалар.

Ўзбек тили тарихи бўлими ходимлари ҳозирги вақтда ўзбек тилининг кўп жилдлик тарихий лугатлар, айрим ёдномаларнинг қисий лугатларини тузиш ва нашрга тайёрлаш билан шуғулланмоқдалар.

Советлар даврида бошқа миллий тиллар қатори ўзбек тили ҳам равнақ топди ва унинг иш кўриш доираси кенгайди. Республикамизда ўқиш — ўқитишнинг она тилида олиб борилиши, матбуотнинг ва турли соҳага оид адабиётларнинг ўзбек тилида ёзилиши ва нашр этилиши, радио, телекўрсатув ва шу кабиларнинг ўзбек тилида олиб борилиши ва бошқа далиллар ҳозирги ўзбек адабий тили ижтимоий вазифа доирасининг кенглигини кўрсатади. Ана шундай шаронда ўзбек тилининг барча соҳалари бўйича меъёрларини белгилаш, унинг шу соҳаларининг ривожига онгли равишда аралашиниш ва шу каби муҳим ишларни ягона бир муаммо атрофига бирлаштириш ҳамда иш олиб бориш талаб этилар эди. Ўзбек тилшунослигида бу типдаги ишларга 60-йиллардан эътибор берилди бошладди ва нутқ маданиятига оид ишларни бошқарувчи марказ сифатида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида **Нутқ маданияти бўлими** ташкил этилди. 1969 йилда шу бўлим ташкилотчилигида ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган Республика анжумани ўтказилди. Жуда қисқа вақт ичида бу соҳада ҳам кўзга кўринарли ютуқлар қўлга киритилди. Қуйидаги назарий ва амалий ишларнинг ўзиёқ бунга аниқ мисол бўла олади. С. Ибрагимов «Орфография узбекского языка» (сб. «Орфография тюркских литературных языков СССР», 1973, с. 218—235), С. Иброҳимов, Э. Бегматов «Ёзув маданиятимиз тараққиёти» («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1974, 4-сон), С. Иброҳимов «Адабий талаффуз маданияти», Тошкент, 1972, У. Усмонова, «Ўзбек адабий тили орфографиясининг баъзи масалалари» (номзод. дисс., Тошкент, 1968), «Нутқ маданиятига оид масалалар», Тошкент, 1973 ва бошқалар.

**Услубшунослик** — ўзбек тилшунослигининг энг ёш соҳаси. Бу соҳа билан шуғулланиш асосан 60-йиллардан бошланди. Лекин шунга қарамай, ўтган оз вақт давомида дурустгина муваффақиятлар қўлга киритилди: бир қатор мақола ва монографиялар яратилди, шунингдек, бир неча номзодлик, ҳатто докторлик диссертациялари ҳимоя этилди. Ўзбек тили услубшунослиги соҳасидаги муҳим ишлар сифатида А. Шомақсудовнинг «Ўзбек тили стилистикаси», I—II қисм (1974), И. Қўчқортоевнинг «Бадий нутқ стилистикаси» (1975), Р. Қўнгуровнинг «Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари» (1980), М. Содиқовнинг «Феъл стилистикаси» (1972), Л. Абдуллаеванинг «Лексическая стилистика узбекской художественной литературы» (1979) каби монографияларини келтириш мумкин. Бу соҳада олиб борилган ишларнинг самараси сифатида олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма ҳам майдонга келди.

Ўзбек тилшунослигининг кейинги йилларда ривожланаётган соҳаларидан бири **ўзбек номшунослиги (ономастикаси)дир**. Ўзбек тилидаги атоқли отларнинг бой материалларини илмий асосда ўрганиш, асосан, 1960 йилдан юзага келди. Дастлаб проф. Ҳ. Ҳасановнинг тарихий номлар ва топонимлар имлосига оид ишлари юзага келди. Э. Бегматов ўзбек тилидаги киши номларини монографик тарзда тадқиқ қилди.

Кейинчалик ўзбек топонимиясига онд бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилди. Ҳозирда Қашқадарё ва Сурхондарё (проф. Т. Нафасов, Ё. Хўжамбердиев, Х. Холмўминов, Қ. Хуррамов), Бухоро (С. Наимов), Фарғона водийси (Н. Охунов, Ж. Латипов), Хоразм (З. Дўсимов), Самарқанд ва Жиззах (Т. Раҳматов, А. Зокиров) топонимияси янши ўрганилганини қайд этиш мумкин.

Ўзбек номшунослигининг ютуғи сифатида ўзбек антропонимиясига онд Э. Бегматовнинг «Киши номлари имлоси» (1970), «Ўзбек номлари имлоси» (1972), «Ўзбек исмлари» (1991), ўзбек топонимиясига онд Ҳ. Ҳасановнинг «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» (1965), «Географик номлар имлоси» (1962), С. Қораевнинг «Географик номлар маъносини биласизми?» (1970), «Географик номлар маъноси (1978), «Топонимия Ўзбекистана» (1991), Т. Нафасовнинг «Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи» (1985), «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати» (1988), З. Дўсимовнинг «Хоразм топонимлари» (1985), Л. Қаримованинг «Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши» (1982) номли асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбек номшунослиги олдида илмий ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Айниқса, Ўзбек тарихий антропонимияси ва топонимиясини тадқиқ қилиш, жой номларини тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида асраш ва муҳофаза қилиш, номлар имлосининг илмий принципларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ўзбек тилшунослари **умумий тилшунослик** бўйича ҳам ишлар олиб бордилар ва маълум натижаларни қўлга киритдилар. Мисол тариқасида О. Азизовнинг «Тилшуносликка кириш» (1963), С. Усмоновнинг «Умумий тилшунослик» (1972), И. Қўчқортоевнинг «Ф. Соссюрнинг лингвистик концепцияси» (1976), П. А. Баскаков, А. С. Содиқов, А. А. Абдуазизовларнинг «Умумий тилшунослик» каби асарларини келтириш мумкин.

Совет даврида рус тили, худди бошқа республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам миллатлараро, алоқа тили, иккинчи она тили деб таърифланди. Бу давр мобайнида рус тилининг Ўзбекистонда ўйнаган роли, унинг ўзбек тили тараққиётига таъсири алоҳида эътибор билан ўрганилди. М. П. Пўлатовнинг «Рус тилининг ўзбек тилига таъсир» (лексика ва сўз ясалиши масалалари) (1953), Б. Ҳамдамовнинг «Из истории русских заимствований в узбекском языке» (1963), Н. Ф. Гуломованинг «Русские лексические заимствования в узбекском языке» (1975) номли номзодлик диссертациялари, И. У. Асфандиёровнинг «Русский язык в Узбекистане в условиях развитого социализма» (1982) номли асари шулар жумласидандир.

Рус тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири бўлганини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлашни истардикки, бу мавзуга, бу жараёни таҳлил этишга бағишланган ишларда ҳодисанинг моҳияти объектив, илмий-назарий жиҳатдан тўғри ёритилган деб бўлмайди. Кўпгина ишларда рус тилининг ўзбек тилига таъсири, унинг Ўзбекистондаги роли, ўрни бўрттириб, тил тараққиёти қонуниятлари нуқтаназаридан эса нотўғри талқин этилди. Оқибат шунга олиб келдики, Республикамизда рус тилининг қўлланиш доираси тобора кенгайиб, ўзбек тилининг қўлланиш доираси тобора тарайиб борди. Бу эса Ўзбекистонда ўзбек тилининг, она тилининг ривожланишига салбий таъсир этди, албатта (Бу ҳақда қуйироқда гапираимиз).

Хуллас, ўтган 70 йил мобайнида ўзбек тили ҳам, ўзбек тилшунослиги ҳам ривожланишда давом этди. 20-йиллар билан сўнги йиллар ўзбек тили ва ўзбек тилшунослигига назар ташлашнинг ўзиёқ бу ҳақда аниқ таъсир беради. Бироқ кейинги вақтларга келиб, маълум сабаблар билан, ўзбек тилининг тақдирини салбий томонга ўзгартишлар юз бера бошлади. Ўзбек тилининг қўлланиш доирасининг тобора

торайиб (қисқариб) бориши, рус тили таъсирида ўзбек тили софлигининг бузилиб бориши бўлиши асосий кўринишларидандир. Бундай салбий таъсирлар оқибатида ўзбек тили эркин ва ҳар томонлама ривожланиш имконларидан маҳрум бўла борди. Бу ҳолат, ўз-ўзидан, ўзбек тилининг тақдирин билан боғлиқ бир қатор масалаларни кун тартибига қўйишга олиб келди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши масаласи ҳаётнинг ўзи келтириб чиқарган ана шундай муҳим масалалар жумласидан бўлди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан ўзбек тилининг ҳақиқий маънодаги миллий тил бўлишига тўққинчи қиладиган ҳатти-ҳаракат ва ҳодисаларга чек қўйилди, яъни давлат тили ҳақидаги қонун Ўзбек тилининг республикада фаолиятнинг барча соҳаларида қўлланиладиган тил бўлишини таъминлайдиган, бунга қарши ҳар қандай уринишларни йўқ қилишга ҳуқуқ берадиган қонун бўлди. Бироқ шуниси ҳам маълум эдики, собиқ иттифоқ шароитида Ўзбек тилини ўз мақсадимизга, талабимизга тўла мос ҳолда ривожлантириш, Ўзбек тилини тўла маънода давлат тили даражасига кўтаришга ҳуқуқимиз, имконимиз йўқ эди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви муносабати билан эса ўзбек тилини ҳар тарафлама ривожлантириш, уни фаолиятимизнинг барча соҳаларида қўлланиладиган тил бўлишини, яъни ҳақиқий маънодаги давлат тили бўлишини таъминлаш учун барча ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдик, шундай ишларга барча йўللار очилди. Шундай экан, бу берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда шу вақтга қадар ўзбек тилининг қандай чеклашлар, тазйиқлар таъсирида бўлганлигини кўрсатувчи далилларни тўла ва аниқ белгилаб, уларни бартараф этиш ва бундан буён ўзбек тилининг ҳар тарафлама эркин ривожланишига асос, имкон бўладиган йўللарни, амилларни белгилаб олиб, шулар асосида ишлаш керак бўлади. Демак, Ўзбекистон мустақилликка эришуви муносабати билан ўзбек тилшунослигининг ҳеч кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор долзарб масалаларни кун тартибига келиб чиқди. Бизнинг назаримизда буларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек тилини фаолиятнинг барча соҳаларида хизмат қиладиган тилга айлантириш билан боғлиқ барча ишларни, жумладан ўзбек тилини барча ўқув юрларида ўқиш, ўқитиш ишларини талаб даражасида йўлга қўйиш, рус тили ўқув қўлланма ва дарсликлари қолипиди ёзилган дарслик ва қўлланмалардан воз кечиб, ўзбек тили бўйича ёзилган илмий-назарий ишлар асосида янги дарслик ва қўлланмалар яратиш керак. Умуман, ҳозирги ва бундан кейинги талаблардан келиб чиқиб, Республикамызда тил ўқитиш билан боғлиқ ишларни қайта кўриб чиқиб, уларни тўғри йўлга қўйиб олишимиз лозим.

2. Ўзбек тилининг луғат таркибида, айниқса унинг терминологиясида русча ва рус тили орқали ўзлашган сўзлар анча миқдорни ташкил қилиши маълум. Тан олиб айтиш керакки, буларнинг асосий қисми тил тараққиёти қонуниятларига, тил талабларига мос ҳолда ўзлашган ва ўзбек тилига сингиб, унинг ўз сўзи, ўз мулки бўлиб кетган. Шу билан бирга у ёки бу тушунчани ифодалаш учун ўзбек тилининг ўз сўзи, ўз имконияти бўлган ҳолда ўринсиз, тил талабига зид ҳолда рус тилидан қабул қилинаверган сўзлар ҳам борки, булар ўзбек тилининг софлигини бузади, ўзбек тилининг тазйиқ остидаги тил эканини акс эттириб, бу тилдан фойдаланишда, унинг ривожланишида салбий таъсир этиб туради. Ана шундай сўзлардан воз кечиб, уларни ўзбек тилининг ўз сўзлари, ўз имкониятлари асосида яратиш (ҳосил қилиш) мумкин бўлган сўзлар билан алмаштириш керак бўлади. Бу борадаги ишларимизнинг муваффақиятли, мақсад ва манфаатимизга мос ҳолда бўлиши учун ўзбек терминологиясини, жой номларини такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари ишланishi, термин яра-

тиш, танлаш, борларини бошқаси билан алмаштиришда амал қилинадиган йўл-йўриқ (принцип)лар белгиланиши ва шулар асосида иш олиб бориш шарт бўлади.

3. Ўзбек тилининг эркин ривожланиш имконига эга бўлмагани, рус тилининг салбий таъсирида бўлиб келгани ҳужжатчилик, иш юриши соҳасида яна ҳам яққолроқ кўринади.

Инқилобдан то СССР тугагунга қадар ҳужжатчилик бўйича кўп ишлар қилинди. Лекин улар асосан рус тилидаги ҳужжатчиликка оиддир. Ўзбек тилидаги ҳужжатчилик бўйича эса деярли ҳеч нарса қилинмади. Ўзбекча ҳужжатчилик, ўзбек тили расмий — иш услуби ривожланмади. Кейинги вақтларга келиб ҳужжатлар асосан рус тилида олиб бориладиган бўлди, ўзбек тилида бўлган саноқли миқдордаги ҳужжатлар ҳам рус тили андозасида бўлиб, ўзбек тилининг жумла қурилиши қонун-қоидаларига мутлақо мос келмайди. Бу аҳволнинг қанчалик аянчли эканини тасаввур этиш қийин бўлмаса керак. Демак, қай даражада мураккаб, қийин бўлмасин, ўзбек тилида иш юриши, ҳужжатчиликни йўлга қўйиш билан боғлиқ барча ташкилий ва илмий-амалий ишларни тезда йўлга қўйиб юборишимиз керак.

4. Ўзбек ёзувининг ривожланишида, ундан фойдаланишда салбий роль ўйнаб келган, ташқи таъйиқ далилларидан бири рус графикаси (кириллица) асосидаги алифбо ва ёзувимиздир. Эллик йилдан ортиқ вақт давомида қўлланиб келаётган бу алифбо нафақат ўзбек ёзувининг, балки бошқа туркий тиллар ёзувининг ҳам талаб даражасида бўлишини, ривожланишини таъминлай олмаслигини тарих исботлади. Бу графика асосидаги алифбо ва ёзувни такомиллаштириш борасидаги барча уринишлар деярли ҳеч қандай натижа бермаганлиги энди ундан воз кечиш ва ҳар томонлама талабга жавоб берадиган ёзувни белгилаш имконини берадиган истиқболли алифбони танлаш масаласини кун тартибига қўйди. Шукроналар бўлсинким, мустақилликка эришувимиз бу ишни амалга ошириш учун йўл очди. Собиқ иттифоқ даврида бир неча йиллар давомида амалга ошмаган орзу-мақсадимиз — талабга жавоб берадиган алифбога эга бўлиш мақсади, мустақиллик шарофати билан, қисқа муддат ичда юзага қикди.

Республикамиз Олий Кенгашининг 1993 йил 2—3 сентябрида бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида лотин ҳарфи асосидаги алифбони тасдиқлаш ва шу алифбодаги ёзувга ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Эндиги муҳим вазифа ҳеч кечиктирмай шу ёзувнинг имло қоидаларини яратишдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви билан бошқа соҳалар, бошқа фанлар қатори ўзбек тилининг ва ўзбек тилшунослигининг эркин ривожланиши учун қонуний шарт-шароитлар юзага келди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, Фанлар академиясида мустақил Тилшунослик институтининг ташкил этилиши ўзбек тили ва ўзбек тилшунослик фанини ривожлантириш борасида амалга оширилган жуда муҳим тadbирлардир. Уй-лаймизки, бундан буён ҳам ўзбек тили ва тилшунослигининг ривожини учун зарур бўлган барча шароитлар, тadbирлар амалга оширилаверадди. Вазифа — ана шу шароит ва имкониятлардан тўла, унумли фойдаланиб ҳамда бу борадаги вазифаларни бекам-қўст бажариб ўзбек тилини тўла маънодаги миллий тил, давлат тили даражасига кўтариш, ўзбек тилшунослик фанини ривожлантирган ҳолда уни ана шу мақсадга хизмат қилдиришдир.

## ҚҮЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон ФА нинг Қўлёзмалар институти 1978 йили ташкил топди. Бу институт ўзбек адабий манбаишунослигининг марказидир. Институт қўлёзма, тошбосма китоблар, Ўзбекистон ёзувчилари ва адабиётшуносларининг архивлари, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг ёзувлари фондларига эга. Қўлёзмалар институти ана шу фондлардаги бойликларни кўнайтириш, уларнинг дастлабки илмий ишлови, илмий таърифларини амалга оширув, уларнинг каталогларини тузиш ва нашр этиш билан шуғулланади. Айни замонда институт олимлари қўлёзма манбалар бўйича матншунослик ишларини амалга оширадilar, нодир қўлёзмаларни нашрга тайёрлайдилар.

Маълумки, деярли минг йилдан ортиқ давр мобайнида ҳозирги Ўзбекистон ерида яшовчи халқлар араб ёзувини ишлатиб келганлар. Аммо араб ёзуви ўрнатилмасдан олдин бу ерда яшовчи халқларнинг ўз ёзувлари бўлган.

Булар турк руний ёзувлари, сугд ёзуви, эски уйғур ёзувларидир. Араблар истилосидан сўнг (VIII аср) бу ёзувлар таъқибга учради ва секин-аста ўз ўрнини йўқотди.

Аммо қадимий туркий битиклар, сугд ёзуви ёдгорликлари, эски уйғур ёзувининг айрим намуналари бизгача етиб келган. Қўлёзмалар институтида ана шу ёдгорликларни ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари амалга оширилади.

Айни замонда туркий тилда сўзлашувчи халқлар адабиёти, тили, улар ўргасидаги муштарак қадимий ёдгорликларининг тадқиқи бўйича ҳам илмий ишлар олиб борилади.

Қўлёзмалар институти ўзининг қисқа муддатли фаолияти даврида бир мунча амалий натижаларга эришди. 1978 йилда институт фондида 5000 та жилд қўлёзма ва тошбосма китоблар жамланган бўлса, ҳозир уларнинг сонини 14.000 га етди.

Қўлёзма ва тошбосма китобларнинг барчасини дастлабки илмий ишловдан ўтказилди. Уларнинг ҳар бирига асарнинг номи, тили, муаллифи ва инвентарь рақамлари бўйича карточкили каталоглари тузилди, инвентарь китоблари яратилди. Муттасил олиб борилган илмий таъриф натижасида ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги ва форсий тилдаги қўлёзмаларнинг илмий таърифлари якунланиш арафасида турибди. Тошбосма китобларнинг илмий таърифларини тузиш иши бошлаб юборилди. Қўлёзмалар каталогларининг беш жилди тузилди. Улардан иккитасини босилиб чиқди, учинчиси нашрда. Ҳар бир каталог жилдида бир мингдан зиёд асарнинг илмий таърифи берилган. Ҳозир араб тилидаги қўлёзма асарлар, шунингдек тошбосма китобларнинг илмий таърифлари тузилмоқда. Яна айрим улуг ижодкорлар асарларининг махсус каталоглари ҳам тузилган. Навсий, Жомий, Лутфий, Огаҳий асарларининг каталоглари шулар жумласидандир.

Ўзбек адабиётининг шоҳ асарларини нашр этиш вазифаси ҳам Қўлёзмалар институтининг фаолиятида муҳим ўрни тутади. Алишер Навоийнинг 20 жилддан иборат Қуллётинини ЎзФА «Фан» нашриёти босиб чиқармоқда. Ҳозир бу Қуллётининг ўн икки жилди нашрдан чиқди. Уларни Қўлёзмалар ва Адабиётшунослик институтларининг олимлари нашрга тайёрлаганлар. Қўлёзмалар институтининг фаол иштирокида «Ўзбек адабиёти бўстони» кўп жилдли нашр амалга оширилмоқда. Унинг босилиб чиққан китобларида Урхун-Енисей битиклари, «Девону луготит турк»даги адабий парчалар, «Қутадғу биллик» ва бошқа асарлар, Навоийнинг «Хамса», «Хазойинул маоний» асарлари, Лутфий, Хоразмий, Атоий, Гадоний ва бошқа ўзбек шоирларининг

асарлари бор. Қўлэмалар институти собиқ Марказий Комитет нашриёти билан биргаликда «Шарқ шеърляти намуналары»ни нашр этиб келди. Унда Навоий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Машраб, Огаҳий, Нодира, Увайсий каби ўзбек шоирларининг асарлари ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

Қўлэмалар институтида нашрга тайёрланган Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» асари XIV асрда яратилган бу ёдгорликнинг биринчи бор эълон қилинган тўла нашри бўлди. Маълумки, ҳар бир ёдгорликнинг ўрганилишида нодир қўлэмалар асосида тузилган илмий-танқидий матни муҳим аҳамиятга эга.

Қўлэмалар институти ташкил топгандан бери бу ерда матншунослик ишларига алоҳида ўрин берилди. Институтда Навоийнинг «Вақфиййа», «Назм ул жавоҳир», «Арбаин» каби асарларининг танқидий матилари тузилди. 1993 йили Навоийнинг «Садди Искандарий» дostonининг илмий-танқидий матни вужудга келди. Ҳозир «Бадое ул-бидоё», «Наводирун ниҳоё» девонларининг илмий-танқидий матилари тузилмоқда. Шунингдек, Фурқат, Аваз Утар асарларининг йиғма матилари тузилди. Ўзбек мумтоз адабиётининг айрим асарларининг насрий баёнлари тузилди. Навоийнинг «Бадое ул бидоё» девонидаги шеърларнинг насрий баёни «Шайбонийнома», «Муҳаббатнома», «Даҳнома» ва бошқа асарларининг насрий баёни шулар жумласидандир.

Қадимий туркий адабиёт ва тил ёдгорликлари тадқиқ этилди ва бу соҳада кўзга кўринган натижалар қўлга киритилди. Қадимий туркий ёдгорликлардаги атамалар тўғрисидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир. Туркий тилларнинг икки тилли луғатларини тузиш иши давом эттирилмоқда.

Навоий асарлари учун тузилган луғатларга оид илмий монография яратилди. Яна Навоийнинг «Сабъан сайёр» асарининг қиёсий таҳлили, Шарқ халқлари қадимий тафаккури маҳсуллари ва Ғарб маданияти ва тафаккурига таъсири тўғрисида фундаментал тадқиқотлар юзага келди.

Сўғд ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар. Сўғд ёзма ёдгорликларининг палеографияси, ёзувнинг шаклланиши ва тараққиёти масалалари ўрганилди. Ёзувнинг илк босқичига мансуб металл ва сопол буюмлардаги шакли, унинг такомил этган даврида яратилган ёдгорликлар хати текширилиб, ёзув тараққиёти кўрсатиб берилди. Шу тадқиқотларни умумлаштириб М. Исҳоқов «Сўғд ёзма ёдгорликлари сўғд палеографиясини ўрганиш манбаи» мавзунда докторлик диссертациясини ёқлади. Бу соҳада монография ва рисоалар эълон қилинди.

Ҳозир у сўғдчага ўзакдош бўлган хоразмий ёзувлари устида ишламоқда. Тадқиқотда хоразм ёзуви палеографияси, алифбо тизими, ёзув тараққиёти, ҳарф ва товуш муносабатлари каби график масалалар ёритилади. Шу йўсинда Ўрта Осиёдаги қадимий ёзувлар комплекс ўрганилади.

Уйғур ёзуви бўйича. Шу пайтгача «Қутадғу билиг» уйғур ёзувли нусхаси асосидаги тадқиқот ёзиб тугалланди. Бундан ташқари XI—XV асрлар уйғур ёзувли ёдгорликларининг фонетик ва график хусусиятларига бағишланган тадқиқот ҳам ниҳоясига етди. Унда ёзувнинг алифбо тизими, ҳарф ва товуш муносабатлари, туркий тилининг товуш хусусиятларини беришда уйғур хатининг имкониятлари каби қатор масалалар очиб берилди. Айниқса, ёзувнинг Ўрта Осиёда амал қилган шакллари, унинг қадимий вариантдан фарқли жиҳатлари, палеография тараққиётига кенг ўрин берилди.

Ҳозирги пайтда исломдан бурун яратилган ёдгорлик устида иш олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотда ёдгорликларининг фонетик-грамматик хусусиятлари очиб берилди. Бу масала, ўз навбатида, туркий

тиллар тарихи, хусусан, ўзбек адабий тилининг илдизларини очиб беришида муҳим аҳамиятга эга.

Ўйғур ёзуви ёдгорликлар грамматик жиҳатдан ўрганилиб қолинмай, уларнинг транскрипцион наشري ҳам тайёрланади, ўзбекча матни ҳам илова қилинади. Шундай йўл билан тадқиқотлар учун муҳим манбалар тайёрлаб берилади.

Бу йил ана шундай ёдгорликлардан бири, монивий ёдгорлиги «Хуастуанифт» («Монивийларнинг юкунч битиги») устида иш олиб борилмоқда.

Қўлёзмалар институтида ҳозирги ўзбек ёзувчи ва адабиётчиларининг кўп сонли архив ҳужжатлари сақланади. Унда жомеъ 131 архив мавжуд бўлиб, бу фондларда 20381 сақланув бирлигига оид 516 та папка бор. Улардан Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг архиви тўла илмий таърифдан ўтказилди. Уч жилдан иборат Каталог тузилди. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий фонди Каталогининг икки жилди нашрдан чиқди. Шунингдек, Ҳ. Олимжон, Шайхзода, Ҳ. Шамс, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа ёзувчиларнинг архиви каталоглари ҳам нашр этилди. Қўлёзмалар институтидagi фольклор ёзувларидан халқ дostonлари, эртакларининг каталоглари тузилди ва нашр этилди. Икки жилдан иборат ўзбек эртаклари тўпламлари босилиб чиқди.

Қўлёзмалар институти қошида аспирантура ва докторантура мавжуд. Ўтган 15 йил давомида 13 та докторлик диссертацияси ва 11 та номзодлик диссертациялари ёқланди.

Қўлёзмалар институти «Адабий мерос» илмий тўплами ва «Адабий манбашунослик» илмий мақолалар мажмуасини нашр этади. «Адабий мерос»нинг 63-сони нашр этилди. «Адабий манбашунослик»нинг уч сони босмадан чиқди.

Қўлёзмалар институти яқин ва узоқ хорижий мамлакатлардаги илмий муассасалар билан илмий ҳамкорлик қилади.

А. УРИНБОЕВ, Б. МАННОНОВ, Қ. МУНИРОВ

## АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 50 ЁШДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти 1943 йили Ўзбекистон Давлат Халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий)нинг шарқ бўлими асосида ташкил топган ва 1950 йилгача Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти деб аталган. 1950 йили эса, институт томонидан шарқ халқлари ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги ҳозирги замон муаммоларини ҳам режалаштирилганлигини ҳисобга олиб, Шарқшунослик институти деб номланган.

1957 йили Институтга Абу Райҳон Беруний номи берилган. Институт 1981 йили биринчи бўлиб Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофот совриндори бўлган.

Институт барпо этилганидан то шу кунгача бу ерда Шарқ халқлари ёзма меросини ўрганиш ва нашр этиш бўйича жиддий бир мактаб вужудга келди. Бу мактаб фаолиятига мансуб бўлган фан ва маданият тарихига оид тадқиқотлар, ноёб нашрлар, кўп жилдли феҳристлар Ўзбекистон шарқшунослигининг дунёдаги шу каби барча илмий марказларда эътибор қозонишига сабаб бўлди.

Институт ходимлари тадқиқотларига таянч манба бўлмиш Ўзбекистон Фанлар академияси шарқ қўлёзмалари хазинаси дунёдаги энг йирик қўлёзма жамғармаларидан ҳисобланади. Бу ерда 18 минг жилдга жамланган 40 мингдан зиёд қўлёзма нусхалар, 30 мингдан ортиқ тошбосма китоблар ва бир неча ўн мингдан иборат ҳужжатлар тўп-

ланган. Улар асосан араб, форс, ўзбек ва бошқа туркий тилларда битилган бўлиб, Марказий Осиё ва қўшни шарқ мамлакатлари халқлари ёзма маданиятининг деярли минг йиллик тарихини ўзида акс эттиради, бу халқларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти, фан ва маданияти тарихини ёритиш каби ишларда эътиборли манба хизматини ўтайди.

Бу хазинага тўпланган қадимий қўлёзма асарлар ўрта аср фанининг турли тармоқларига, яъни тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, фалакиёт, кимё, табобат, фармакология, жўғрофия, тил, musiқа ва бошқа соҳаларга оиддир. Улар орасида Қуръони Каримнинг, ҳадис ва тафсирга оид асарларнинг турли даврларда кўчирилган ажойиб нусхалари мавжуд. Бу хазинада сақланаётган асарлар ичида энг қадимийси Қуръони Каримнинг IX асрда куфий хати билан китобат қилинган нусхасидир. Шунингдек, нодир асарлардан бири Ибн Саломнинг (837 йили вафот этган) «Ғариб ул-ҳадис» асари бўлиб, ярим куфий, ярим насх хати билан 955 (344 ҳижрий) йили китобат қилинган.

Мазкур хазинада сақланаётган қўлёзма асарларнинг энг янгилари эса XX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади.

Улар орасида умумий тарихга, Марказий Осиё, Ҳиндистон, араб мамлакатлари халқлари тарихига оид асарлар мавжуд. Масалан, умумий тарихга оид Табарий (ваф. 310—922) томонидан ёзилган «Тарихи Табарий», Ибн Мискавейҳнинг (ваф. 421—1030) «Тажориб ул-умам», Ибн ал-Асирнинг «Тарихи комил», Рашидуддиннинг «Жомий ут-таворих» номли мукаммал асарларини келтириб ўтиш kifоядир. «Жомий ут-таворих»ни ўрганган академик В. В. Бартольд «Ўрта асрда на Осиё ва на Овропада яшовчи халқлар қўлида бундай асар бўлмаган»,— деб унинг илмий қимматини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. «Жомий ут-таворих» асарининг бу нусхаси дунё қўлёзма хазиналарида сақланаётган нусхалари ичида энг қадимийси бўлиб, чиройли насх хати билан XIV асрда кўчирилган.

Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган талайгина қўлёзма асарлар тўпланган. Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Фазлуллоҳ ибн Рузбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Абулғозихоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тароқима», Муниснинг «Фирдавс ул-иқбол» асарлари шулар жумласидандир.

Ҳиндистон тарихига оид Ҳожа Низомиддин Аҳмад ибни Муҳаммад ал-Ҳиравийнинг «Табақоти Акбаршоҳий», Сунжон Рай Муншийнинг «Хулосат ат-таворих», Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳнинг «Тарихи Фиришта», Бадавийнинг «Мунтахаб ут-таворих», Абулфазл Алломийнинг «Акбарнома» каби асарларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, мазкур хазинадан Эрон, Афғонистон, Туркия ва Араб мамлакатлари тарихига ҳам оид қўлёзма асарлар ўрин олган.

Бир неча асарлар давомида Марказий Осиё мамлакатларида яшган халқлар ичидан етишиб чиққан шоирлар ва адиблар томонидан кўплаб адабий асарлар ижод этилган. Улар орасида Юсуф хос Ҳожиб Болосоғуний, Фирдавсий, Маҳмуд Қошғарий, Замахшарий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Аттор, Жалолиддин Румий, Рабғузний, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бедил каби қатор адибларнинг меросини кўрсатиш мумкин.

XI асрнинг машҳур олими ва адиби Юсуф хос Ҳожиб Болосоғунийнинг «Қутадғу биллик» («Бахт келтирувчи биллик») асаридан ягона нусха мавжуд бўлиб, XIV асрда насх хатида китобат қилинган. Низомий Ганжавий «Хамса» асарининг миниатюралар билан безатилган

нухаси, Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса» асарининг машҳур лирик шоир Ҳофиз Шерозий томонидан китобат қилинган ягона нухаси, Алишер Навоийнинг ҳаёт вақтида, унинг ҳузурда Ҳиротда заррин-қалам хаттоғлар Султон Али Машҳадий, Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан ажойиб наставниқ хати билан кўчирилган ва миниатюралар билан безатилган девонлари ва машҳур хаттоғ Абдулжамил Котиб томонидан кўчирилган «Хамса»нинг қўлёзма нухаларини мазкур хазинада мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтиш kifоядир. Институт қўлёзма асарлар хазинасида аниқ фанларга оид анчагина қўлёзма асарлар бор. Марказий Осиёда яшаган ва ижод этган олимлар ўрта аср фанининг турли соҳалари бўйича қатор ажойиб илмий асарлар ёзиб, жаҳон маданияти хазинасига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўнганлар. Ҳозирда институт хазинасида сақланаётган асарлардан бири, Абу Бакр ар-Розийнинг кимё илмига оид дунёда ягона нухада сақланиб қолган «Китобу сирр ул-асрор» («Сирлар сири») асаридир. Шунингдек, буюк файласуф олим Абу Наср Форобийнинг «Уюн ул-масоил» («Масалалар булоғи»), «Рисолату фи фуус ал-ҳикам» («Ҳикмат гавҳарлари ҳақида рисола»), «Рисолату фи-л-ақл» («Ақл ҳақида рисола»), буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг фалакиёт, жўғрофия ва геометрияга оид «Китоб ут-тифҳим ли авоили синоат ут-танжим» («Нужум илмидан бошланғич маълумотлар берувчи китоб»), Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари»), «Китаб уш-шифо» («Шифо китоби»), буюк олимлар Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Қутбиддин Шерозий ва қатор машҳур олимларнинг асарлари мазкур хазинадан ўрин олган.

Шунингдек, адабиёт назарияси, грамматика, хаттоғлик санъати, ислом тарихи, тасаввуф, зирсат ишлари, санъат бўйича асарлар, луғотлар, мемуарлар сақланиб қолган.

Бизгача илмий мерос сифатида етиб келган қўлёзма асарлар замонасининг ажойиб хаттоғлари томонидан чиройли хатлар билан кўчирилган ва нафис лавҳа ва миниатюралар билан безатилган. Бу лавҳа ва миниатюралар рассомлик санъати тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Бинобарин, мазкур манбаларни илмий жамоатчилик ва кенг ўқувчилар оммасига етказиш ўтган 50 йил ичида институт илмий фаолиятидаги устивор йўналишлардан бирини ташкил этиб келди.

Бу масъулиятли вазифани адо этиш эса биринчи навбатда қўлёзмаларнинг феҳристларини тузиб, уларни нашр этишни тақозо этар эди. Феҳристлар тузиш учун қўлёзмаларни илмий тавсифлаш ишлари ҳали қўлёзмалар Давлат халқ кутубхонасида эканлигидаёқ бошланган бўлса ҳам, лекин хазинани батадриж илмий тартибга келтириш, бевосита феҳристлар тузиш ва манбашунослик тадқиқотларини изчил ривожлантириш институт ташкил этилганидан кейин йўлга қўйилди. 1952—1987 йиллар орасида «Ўзбекистон Фанлар академияси шарқ қўлёзмалари тўплами» («Собрание восточных рукописей АН УзССР») номли феҳристларнинг 11 жилди чоп этилиб, уларда қўлёзма асарларнинг 7574 дона нухалари ҳақидаги маълумотлар келтирилди. Бу қўлёзмалар саҳифаларида ўрта асрлар шарқида кенг ривож топган тарих, адабиёт, тилшунослик, фалсафа, табиий ва аниқ фанлар, Ислом дини тарихи, ҳуқуқшунослик каби бир қанча соҳалар ёритилган, феҳристлар тизими А. А. Семенов томонидан (I—IV жилдлар) асос солинган бўлиб, уларни тузиш ва таҳрир ишлари кейинчалик Д. Г. Вороновский (V, VI, VIII, X жилдлар) А. Уринбоев, Л. М. Епифанова ва Р. П. Жалиловалар (VII, IX, XI жилдлар) томонидан давом эттирилди.

Ҳозирда феҳристлардан фойдаланувчи тадқиқотчилар ишнини енгиллатиш мақсадида қўлёзмаларнинг мавзу бўйича феҳристларини

тузишга киришилди ва улардан тарих, табобат, табиий фанларга оид уч жилди нашрга тайёрлаб қўйилди (Д. Ю. Юсупова, Х. Ҳикматуллаев, А. Вильданова, С. Қаримова). Қўлёзмалар илмий тавсифларининг муаллифлари юқорида айтилганларидан ташқари: Л. Азиззода, Е. К. Бетгер, В. Я. Жуков, Ш. Зуннунов, И. Одилов, М. А. Салье, А. Э. Шмидт, О. Я. Чехович, Е. Поляксвалар ҳамда И. Абдуллаев, Г. А. Волошина, А. Қазибердев, А. П. Қаюмов, Қ. Муниров, Т. Нигматов, Т. А. Дубровская, У. Ҳамраев ва бошқалардир. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентга вақтинча кўчирилган ленинградлик олимлар (В. И. Беляев, А. Н. Кононов, Н. Д. Миклухо-Маклай, А. С. Тверитинова, К. Б. Старкова, О. И. Смирнова) ҳам қўлёзмаларни тавсифлаш ишларига маълум ҳисса қўшдилар. Қўлёзмалар феҳристларини тузиш ишини амалга оширишда қўп ҳолларда М. Абдурахмонов, С. Мирзаев, А. Муродов, Э. Муҳаммадхўжаев, А. Носиров, А. Жуванмардиев, А. Расулев каби олимларнинг қўлёзмалар фонддини илмий бир тизимга келтириш устида олиб борган бебаҳо ишлари қулайликлар туғдирди.

Феҳристлар тайёрлаш билан бир қаторда тарихнавислик, мемуарчилар, сайёҳлар кундалиги каби Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ мамлакатлари тарихига оид бир қанча асарлар ва ҳужжатларнинг араб, форс тилларидан ўзбек ёки рус тилларига изоҳли таржималари, танқидий матнлари ҳамда улар устида олиб борилган тадқиқот ишлари чоп этилди. Бу нашрлар IX асрдан тортиб то XX аср бошларигача битилган ва шу давр воқеаларидан сўзловчи асарлар силсиласини ташкил этиб, тарих фанини йил сайин янги-янги манбалар билан бойитмоқда. Институтда турли вақтларда ишлаб, бу соҳа бўйича сезиларли из қолдирган ҳамда мазкур силсилани ҳозирда ҳам давом эттириб келаётган олимлар А. А. Семенов, М. И. Йўлдошев, Р. Н. Набиев, А. К. Арендс, М. А. Салье, М. А. Абдураимов, И. Низомиддинов, Ю. Ҳакимжонов, С. Азимжонов, Б. А. Аҳмедов, А. Уринбоев, И. Абдуллаев, Қ. Муниров, Р. П. Жалилова, Л. Е. Епифанова, А. Вильданова, Г. А. Волошина, Д. Ю. Юсупова, Б. Ваҳובה, Ш. Камолддинов, М. Акмалова, Т. Фаёзиев, Г. Остонова, М. Юнусхўжаева, О. Жалилов, О. Усмонов, О. Бўрнев, А. Мадранов, Ш. Мусаев ва бошқалардир.

Институт олимларининг Ўрта Осиё ва хорижий шарқ халқлари фан тарихига оид ёзма ёдгорликларни ўрганиш ва нашр қилиш соҳаларида эришган ютуқлари алоҳида қайд этилишга сазовордир. Айтиш мумкинки, Абу Райҳон Берунийнинг энг мукаммал «Танланган асарлар»и ҳамда Абу Али ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари» ва бошқа асарларнинг ўзбек ва рус тилларида тўла изоҳли таржималарини нашр этиш бўйича дунёдаги биринчилик Институтга тегишлидир.

Узоқ йиллар давомида амалга оширилган ва ўнлаб жилдларни ташкил этган бу машаққатли ишлар фан тарихи мутахассислари ва шарқшунос олимлар У. И. Қаримов, П. Г. Булгаков, А. К. Арендс, А. Аҳмедовлар ҳамда арабшунос А. Расулев, Ю. Н. Завадовский, Ю. Ҳакимжонов, Ф. Жалолов, А. Ирисов ва бошқалар томонидан амалга оширилди. ЎзФАнинг бошқа институтларидан, Москва ва Ленинграддан ҳам шарқшунос олимлар ва фан тарихи мутахассислари иштирок этдилар (А. Б. Ҳолидов, Б. А. Розенфельд, М. М. Рожанская ва бошқалар).

Шу билан бирга институт ходимлари Ўрта Осиё ва хорижий шарқнинг ўрта асрларда яшаб ижод этган машҳур алломаларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Бакр ар-Розий, ас-Саъдийий кабиларнинг илмий меросларини ўрганиб нашр этганлар (У. И. Қаримов, М. М. Ҳайруллаев,

Н. Абдуллаев, Ҳ. Ҳикматуллаев, А. Казибердов, Р. М. Баҳодиров ва бошқалар).

1994 йилди кенг нишонлангани мўлжалланган Мирзо Улугбекнинг таваллудига 600 йил тўлини арафасида «Зижи жадиди Ғўрагоний» ва Самарқанд илмий мактабига тегишли бошқа олимлар асарларини нашрға тайёрлаш ишлари кейинги йилларда институт фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллаб келди (А. Аҳмедов, Н. Г. Булгаков).

Ўтмиш асрларда яшаб ижод этган мазкур қомусий аломаларнинг асарларини нашр қилиш шарқ мамлакатлари халқларининг дунё фа-маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини белгилаш учун ҳам биричи даражали аҳамиятга эгадир.

1950 йилдан бошлаб, яъни Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти Шарқишунослик институтига айланганда кейин, бу илм даргоҳида шарқишуносликнинг иккинчи муҳим йўналиши — хорижий шарқ мамлакатлари халқларининг тарихини ва ҳозирги кундалик ҳаётини кенг ўрганиш сари қадам ташланди. Натижада бу мамлакатлар ҳақида ўзбек ва рус тилларида қатор тадқиқотлар яратилдики, улар Марказий Осиё билан асрлар мобайнида яқин алоқада бўлиб келган Шарқ мамлакатлари ҳақида китобхоналарга ҳар томонлама маълумот бериш билан бирга, ана шу халқлар ҳаётидаги муҳим сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни илмий таҳлил этиш масаласига ҳам маълум ҳисса қўшди. Шу йиллар ичида Институт илмий ходимлари — М. Г. Пикулин, А. Х. Бобохўжаев, М. А. Бобохўжаев, Д. Валиева, М. Қосимов, А. Хўжаев, Б. А. Абдураззоқов, Т. Абаева, Р. Т. Рашидов, Ф. Абдуллаев, Б. Маннонов, М. Нишонов, Ю. Н. Абдуллаев, П. Расулзода, А. Э. Шайхов, Э. Маҳмудовлар қаламига мансуб бўлган ва бирин-кетин чоп қилинган қатор монографияларда Урта Шарқ ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари тарихи ва ҳозирги замон ҳаётида юз берган муҳим сиёсий-иқтисодий жараёнлар ўз аксини топди.

Институт олимлари илмий изланишларида хорижий Шарқда кўтарилган миллий-озодлик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини, мустақиллик йўлидаги курашда халқ оммаси турли табақаларининг ҳамда сиёсий гуруҳ, партияларнинг ўрни ва мавқени таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. И. Ҳошимов, М. Кутина, С. Тансиқбоева, Ю. Пономаревлар эълон қилган илмий тадқиқотларда айниқса бу масалалар кўп жиҳатдан ўзининг атрофлича тавсифини топган.

Шунингдек, институтда Яқин ва Урта Шарқ ҳамда Жанубий Осиёдаги халқаро муносабатларга, бу минтақадаги мамлакатларнинг Россия ва Урта Осиё билан тарихий алоқаларига бағишланган илмий изланишларга ҳам махсус эътибор бериб келинди. Бу мавзудаги асарлар силсиласида Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон билан бевосита боғлиқ бўлган халқаро муносабатлар тарихига онд муаммолар юзасидан фикр юритилиши билан бир қаторда, Урта Осиёнинг ана шу мамлакатлар билан олиб борган алоқалари ҳақида ҳам илк бор қизиқарли маълумотлар баён этилди. Айни вақтда ҳозирги вақтдаги алоқаларимизга ҳам сезиларли ўрин ажратилди. Бу масалалар юзасидан чоп этилган монографиялар ва бир гуруҳ олимлар тарафидан битилган «Совет Ўзбекистон ва Хорижий Шарқ» (Т., 1984) каби илмий тўпламларда Ўзбекистон ҳаёти билан бевосита боғлиқ масалаларга ҳам ўқувчилар диққати жалб этилган.

Институтда сўнги йилларда хорижий шарқ мамлакатларидаги хотин-қизлар ҳаракатига алоҳида эътибор берилди. Натижада ана шу йўналиш бўйича ҳам қатор илмий асарлар яратилди. «Хорижий Шарқ хотин-қизлари ва ҳозирги замон» (Т., 1988), «Ислом ва хотин-қизлар» (Т., 1991) китоблари (С. Азимжоновна, Ф. Салимова, Д. Валиева, Н. Иброҳимова, Н. Қориева) ва Ҳинд ярим ороли хотин-қизлари ҳара-

катига бағишланган монографиялар шундай асарлар сирасига киради.

Хорижий Шарқдаги кам нуфузли халқлар ҳаётини тадқиқ этишда ҳам маълум муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар натижасида Эрон, Афғонистон, Ҳинд ярим оролида истиқомат қилаётган айрим халқлар тарихи, урф-одатлари, умуман ҳаёт тарзи ҳақида қатор илмий асарлар вужудга келди (М. Г. Пикулин, Т. Г. Абаева, О. Ш. Шомансурова, Р. Т. Рашидов).

Институтда узоқ йиллардан буён хорижий Шарқ халқлари адабиётини ўрганиш йўлида ҳам жиддий ишлар қилиб келинмоқда. Бу соҳада шарқшунос-адабиётшунослар қаламига мансуб бўлган «Ҳиндистон халқлари адабиёти очерклари» (Т., 1975), «Хорижий Шарқнинг ҳозирги замон адабиёти» (Т., 1976) тўпламлари ўзбек ўқувчиларини чет эл шарқи адабиётининг бугунги ҳолати билан таништириш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди. У. М. Орипов, С. Н. Ермакова, Н. Муҳамедов, Д. К. Бекаева, Л. В. Еремянларнинг ҳинд ва урду адабиёти муаммоларига бағишланган асарлари, З. Г. Ризаев, М. Ёвқочева, Т. Неъматов, О. Усмонов, Л. А. Солуяновалар томонидан яратилган форс мумтоз ва ҳозирги замон бадий адабиёти таҳлилини ўзида акс эттирган илмий изланишлар, Р. Хўжаева ва А. Қосимхўжаевлар томонидан яратилган ва араб (Миср) адабий жараённинг муҳим босқичлари ҳақида ҳикоя қилувчи монографиялар республикамизда хорижий шарқ адабиётини илмий ўрганиш жиддий омилга айланганлигини ўзида акс эттириб турибди.

